

БАНАЖАВОРОДНАМАНИ

Банк ходимлари, ишбилармон ва тадбиркорлар газетаси

№ 9, 1995 й.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУСТАҚИЛЛИГИ ВА БАНК ТИЗИМИ

Бир неча йил муқаддам олтигагина яккахоким банк (Давлат банки, Деҳқончилик-саноат банки, Саноат-қурилиш банки, уй-жой-социал банки, Жамғарма банки, Ташқи иқтисодиёт банки) ва унинг филиаллари бор эди. Мустақилликка эришганимиздан кейинги 4 йил ичида эса банклар 31 тага етди.

Ўзмарказбанк Республикадаги банк фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш борасида олиб бораётган иш самарадорлиги Ўзбекистонда фожали молиявий ситланишлар, упирилишлар ва жанжаллар ҳамда шунга ўхшаш бошқа оқибатларсиз барқарор кечаётган банк шўъбаси ривожининг умумий манзарасидан кўриниб турибди.

Албатта бу, иқтисодиёт давлат томонидан тартибга солиб турилганлиги натижасидир.

Ўзбекистонда банк шўъбасининг қарор топиши Европача йўлдан борапти (бир неча йirik банк ва уларнинг жуда катта филиаллар тармоғи вужудга келтирилган). Чунончи, бу таррақиёт бир пайтлар Европада бўлганидек, дастлаб банклар жуда тез кўпайиб, кейин камайиши ва кўнгилиб кетиши тарзида бораётгани йўқ. Бизда банк тизимини ривожлантиришда шаклланиб бўлган Европа банк тизимининг барча ютуқ ва афзалликлари ҳисобга олинапти, яъни катта банкларни бошқичма-бошқич ривожлантириш йўлидан борилмоқда. Гарчи, улар сонининг ўсиши муайян вақт мобайнида давом этиб туриши эҳтимоли бўлса-да, пировард мақсад сари қайси йўлдан борилиши ҳозирданок анча аниқ кўзга ташланиб қолди.

Бу, албатта, жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган иқтисодиётимиз стратегиясининг аниқ мақсадга йўналтирилганлигидан, ўтказилаётган бозор ислохотлари тиниқ ва пухта ўйланганидан, давлат-бозор ўзгаришларининг бош ташаббускори ва бошқарувчиси тамойили асосий ўринда турганлигидан далолат беради. Республикадаги банк тизимини ҳозир ўтиш ҳолатида турибди дейиш мумкин. Бу сифат, аввало, банклар ҳозир ўзининг молиявий қудратига кўра ҳам, хизмат кўрсатётган мижозлари сонига кўра ҳам хилма-хил эканлигида кўринади. Шу босе ҳозирча банкларро рақобат ривожланиши учун объектив асосе йўқ. Бироқ, ёш давлатнинг бозор банк тизими қарор топиши жараёни бошланиб кетди. Бу яққол кўзга ташланипти. Секунда рақобат ҳам муқаррар бўлиб қолади. Бу рақобат янги шаклдаги банкларни вужудга келтиради. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ бизнинг банк тизимимиз қарор топиши синчиклаб таҳлил қилиш ва пухта ҳулосалар чиқариш объекти бўлиши лозим, зеро аини ана шу молия муассасалари бозор ўзгаришларини амалга оширишда йўл бошловчи вазифасини бажаради. Ватанимиз иқтисодиётининг қудрати ва кучи ҳам аини шу муассасалар билан боғлиқ.

АБГОР БЎЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНМИ?

Шу кунгача ҳаётимизда корхона абгор бўлди, деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Бироқ аёвсиз бозор муносабатлари воқелиги хўжалик юритувчи субъектларнинг аҳоли ҳақида жиддий ўйлаб кўришга мажбур қилапти, зеро абгор бўлиш жамиятнинг ҳар бир аъзосига даҳлдордир. Чунки бунинг оқибатида республика учун зарур товарлар ишлаб чиқарилиши тўхтаб қолиши, акцияларга айлантирилган маблағлардан маҳрум бўлиниши, иш жойлари камайиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати иқтисодий ислохотлар дастурини амалга ошириш борасида мунтазам ва аниқ мақсадли иш олиб борапти, бунда аҳолини социал ҳимоялаш ва унинг турмуш даражасини оғирлаштирмаслик йўлидан бормоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти бозорга ўтиш даврида эълон қилган таъйинлардан бири эканлиги ҳаммага маълум.

Вазирлар Маҳкамасининг "1995 йил биринчи чорагида дастурнинг бажарилиши ҳамда биринчи ярим йилликда иқтисодий ислохотларни амалга оширишдан кутилаётган яқунлар тўғрисида"ги ва "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир чоратadbирлар ҳақида"ги сўнгги қарорлари шундан далолат бермоқда. Бу қарорлар айрим корхоналарнинг иочорлиги муносабати билан жамиятимизда юз бераётган ижтимоий қийинчиликларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Қарорларда аниқ-тиниқ таъкидланганки, зарар кўриб ишлаётган корхона ва ташкилотларнинг айрим раҳбарлари барқарор

ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўя олмай, уларининг иш билмасликларини давлат идоралари ва чет эл ташкилотларга тўнкаб, турли баҳоналар билан яширадиган вақтлар ўтиб кетди. Корхоналарнинг ва улар раҳбарларининг фаолиятини жиддий таҳлил қиладиган фурсат келди.

1995 йил биринчи ярми яқунларига кўра бутун республикада корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти аҳолини синчиклаб таҳлил қилиш, муддати ўтган қарзларни узиш муҳлатларини узайтиришга, шунингдек манбасиз қурилишларни молиялашга барҳам бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Таҳлил яқунларига кўра истикболсиз хўжалик субъектларини банкрот деб эълон қилиш тўғрисида ҳулосалар чиқарилиши лозим.

Бу қарорларни бажаришда республика банклари алоҳида роль ўйнаши керак. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ташкил этилган ҳукумат комиссияси таркибига Ўзмарказбанк бошқаруви раиси Ф.М.Муллажонов, "Ўзсавдогарбанк" бошқаруви раиси У.Алимуллаев, "Ўзсаноатқурилишбанк" бошқаруви раиси А.Иболов, "Ўзметасабзавотбанк" бошқаруви раиси У.Музаффаров, "Ўздеҳқонсаноатбанк" бошқаруви раиси Д.Сайфилдинов кирди.

"Банкротлик тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Марказий банк "Тижорат банкларининг тўловга лаёқатсиз хўжалик юритувчи субъектлар (банкротлар) билан ишлаши қондаларни"ни ишлаб чиқди ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказди. Бу қондаларда банклар шу йўналишда қандай ишлани лозимлиги масаласига аниқлик киритилган.

Бу сонда:

2-бет

Вексел
самараси.

3-бет

Ғаллабанк:
ўсиб, ўрганяпмиз.

4-бет

Банкларда
информатизация.

5-6-бетлар

Гаров ҳақида
битим.

7-бет

Банк ишида
статистик усуллар.

8-бет

Абгор бўлиш
сабоқлари.

AFN MAA MAA
Молиявий ахборот Агентлиги

"Банк ахборотномаси" газетаси ҳузуридаги Молиявий ахборот агентлиги Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари саҳифаларида молия соҳасига даҳлдор материалларни эълон қилишга, пул-кредит ва банк соҳасида юз бераётган жараёнларни умумлаштириш ва таҳлил қилишга, шунингдек у манфаатдор тузилмаларни ахборот билан таъминлашга ихтисослашган. МAA - барча энг долзарб молиявий масалалар бўйича ўз вақтида тўғри маълумот олишининг кафолатли манбаидир.

Газетхонлар эътиборига МAA томонидан тайёрланган дастлабки маълумотларни ҳавола этамиз.

Ўзбекистондаги дастлабки қўшма - Ўзбекистон-Туркия банки ўз мижозлари-жижмоний шахслар учун пластик варақчаларни жорий этишга тайёрланмоқда, деб хабар беради МAA мухбирига банкнинг бош бошқарувчиси Аҳмадбей Юрдасинпер. - Ҳозирги пайтда улар 680

кишига етди.

Ҳозир Ўзбекистон-Туркия қўшма банкига Туркия томонидан муассис бўлган Зироат банки мазкур банк учун янги дастур ишлаб чиқмоқда. Ушбу дастур мижозларга хизмат кўрсатиш борасида жаҳон андозаларига яқинлашиш имконини беради. Яқин вақт ичида компьютерлар янгиланиб, пластик варақчалар билан ишлаш учун аппаратлар ўрғанилади.

Бу йил "Ғаллабанк" ихтисослаштирилган ҳиссодорлик-тижорат банки тармоғи бўйича дебиторлик-кредиторлик қарзини 7,5 млрд. сўм камайтиришга муваффақ бўлинди.

Бунга банкнинг нотўловлар билан боғлиқ танглики юмшатиш юзасидан ишлаб чиққан дастурни аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириш орқали эришилди.

Бу - доғ маҳсулотлари тармоғи бўлини-маларининг қарзларини бошқа тижорат банки орқали тўлаш, мунтазам тармоқлар ичида ўзаро қарз суришиш, ягона молия кунлари ўтказиб туриш демакдир.

Банк вексели жорий этилиши, "Ғаллабанк" бошқаруви раиси Йўлдошбой Эргашевнинг фикрича, катта миқдорда хом ашё жўнатиш билан шуғулланадиган, яъни ўзаро қарзлар кўпайиши эҳтимоли ошадиган тармоқ учун сезиларли самара беради.

Ишлаб чиқариш жараёнининг барча бў-гинлари бўйича индоссамент ёрдами билан векселлар ҳаракатланишидан 1 млрд. сўмгача миқдорда дебиторлик-кредиторлик қарзи узилиши кутилмоқда.

Ҳозирги кунгача "Ғаллабанк" 115 млн. сўмлик оддий банк векселлари чиқарди.

Тошкентда Марказий Осие тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди (МОТҚФ) ёрдамида АҚШнинг Келлаг мактабидан келган иқтисодчилар гуруҳи (5 киши) ишламоқда.

Улар фаолиятидан кўзланган асосий мақсад - ўзбекистонлик иқтисодчиларга Ғарб андозалари талабларига жавоб берадиган бизнес-режалар тузишни ўргатишдир. Аини пайтда улар МОТҚФ молиялаш учун танлаб олган инвестиция лойиҳаларини пухталаштиришда ёрдам бермоқдалар. Бунда Асосий эътибор ўз харажатларини қошлаш муддати 5 йилдан ошмайдиган лойиҳаларга қаратилмоқда.

Ўқув дастурида бизнес-режалар тайёрлаш масалалари бўйича икки марта семинар ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Машгулотлар Тошкент Давлат дорилфунуни биносида 15 сентябргача ўтказилади.

ҚЎШМА БАНК БИЗГА БЕГОНА ЭМАС

Икки йилча аввал, аниқроғи 1993 йил 23 октябрда Ўзбекистонда Ўзбекистон-Туркия қўшма банки ташкил қилинган эди. Ўзбекистон томонидан "Пахтабанк" деб номланган ихтисослаштирилган ҳиссодорлик-тижорат банки, аввалги Туркия томонидан бу давлатдаги энг катта банк - "Зироат банк" унинг муассаслари бўлди. Қўшма банкнинг Устав сармоёси 2 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси қандай ўсиб, тараққий этгани ҳақида, унинг ишлаш

шакл ва усуллари тўғрисида "БА" мухбирининг илтимосига кўра банкнинг бош бошқарувчиси Аҳмад Юрдасинпер сўзлаб берди. У 45 ёшда, узоқ вақт давомида "Зироат банк"да тафтишчи бўлиб ишлаган, кейин шу банкнинг Анкарадаги бўлимида бош тафтишчи бўлган, унинг баъзи филиалларини бошқарган.

- Аҳмадбей, ҳозир Сизнинг банкнинг 500дан кўпроқ фирмага ҳамда 680 жижмоний шахсга хизмат кўрсатяпти. Бу фирмаларнинг аксарияти турли йўналишда ишлайдиган катта-кичик қўшма

корхоналардир. Ёш ва нисбатан кичик банк учун бу яхши кўрсаткич ҳисобланса керак?

- Агар 1994 йилда менга Ўзбекистон-Туркия қўшма банки бир йилдан кейин шу даражага етишини айтишганида, ишонмаган бўлардим. Бир пайтлар бу ишни 8 киши бошлаган эди ва, тўғриси-ни айтсам, улар банк бутун-эрта ёнида керак, деб ҳам уйлашарди. Бу гапда жон бор эди. Чунки давлатларимиз тузуми ҳам, молиявий иқлими ҳам бир-бирдан

Давоми 2-бета

"БАНК АХБОРОТНОМАСИ"

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ
ВА ДИПЛОМАТИЯСИ
УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДБИРКОРЛИКНИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
ҚУЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
"ЗАКОВАТ" ЖАМҒАМААСИ

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Заҳид Собиров (Тахрир Кенгаши
нинг раиси).

Илдошани Тожибоева (Тахрир
Кенгаши раисининг ўринбосари).

Раҳмон Каримов,

Баҳодир Хужаев,

Михайл Пернер,

Борис Давидов.

БОШ МУҲАРРИР:

Рашид ОХУНОВ

ТАҒРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700029, Тошкент шаҳри,
Мустиқлик майдони,
2-уй, 407-сон

ЭЪЛОН ВА РЕКЛАМА
ХАБАРЛАРИ УЧУН

39-49-22

ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ

мувожаат қилинг.

"ТОШПОЛИГРАФКОМБИНАТ"

ижара қорхонаси

Тошкент ш. Навоий кучаси, 30

Газета

Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот кумитасида
132 - тартиб рақами билан
рўйхатга олинган

Газета 1995 йил
январдан чиқа бошлаган

Маъсул муҳаррир:

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ
Буюртма № 6691

Напир кўрсаткичи: 64678, 64679

Қўшма маълумотлар тақрир қилинганда ва
қайтаришмайди. Қўшриб берилганда
"Банк ахборотномаси"дан олишгани
кўрсатилиши керак. Босилган
материаллар муассисларининг қўшма
назари тақрирнинг қўшма
назарига мос келмаслиги мумкин

Газета "УКТЕС" қўшма қорхонаси
томонидан тақдим этилган техника
вий жидларда терилди
ва сақлаланди.
Ўқибет усулида, 2 баъзи табак
ҳажмида босилди.

ВЕКСЕЛ САМАРАСИ

Ўзбекистон бозорларида янги тур қимматли қоғозлар пайдо бўлди. Одамлар акция, облигация каби сўзларга эндигина кўникишгаётган пайтда жамғарма сертификатлари, векселлар ва бошқа хил қимматли қоғозлар сингари тушунчалар кириб кела бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Қимматли қоғозлар департаментининг директори Ислоҳ Саломов республикамизда тижорат кредитининг янги тури - вексел муомаласи қандай ривож топаётгани тўғрисида гапириб берди.

Векселнинг молия тизимидаги аҳамиятини темир йўлларнинг транспорт ҳамда телеграфнинг алоқа воситаси тарихидаги аҳамияти билан қиёсласа бўлади. Вексел ёрдамида тижорат банклари қарз олувчиларга кредит берилишини расмийлаштирадilar, Марказий банклар эса қайта ҳисоб юритиш операциялари (тижорат банкларидан векселлар сотиб олиш операциялари) орқали пул тизими ривожланишини кузатиш ва уни бошқариш имконига эга бўладилар.

1995 йил 26 январь, яъни Марказий банк билан Молия вазирлиги ишлаб чиққан "Тижорат банклари векселлар чиқариши ва уларнинг муомаласи бўлиши қоидалари" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан маъқулланган вақтдан бошлаб Ўзбекистонда векселларни жорий этишга оид ташкилий ишлар юришиб кетди.

Тижорат банклари билан вексел айланишини ташкил этиш хусусида маслаҳатлашувлар ўтказилди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси дорилфунуни, Молия вазирлиги, Минтақавий банк ўқув маркази, Олмониянинг техникавий ҳамкорлик жамияти ҳамда Марказий банк тижорат банклари билан "Банк векселлари чиқарилиши ва айланишини ташкил этиш" мавзусида қўшма семинар ўтказди. Ана шу чора-тадбирларнинг барчасидан кўзланган мақсад дастлабки амалий қадамларни қўйиш эди.

Маълумки, шу йил 2 июнда "Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалигида векселлардан фойдаланиш тўғрисида" ҳукумат қарори имзоланди. Бу қарор векселлар жорий этилиши жараёнини анча тезлаштириб, бу жараён билан боғлиқ барча воситаларни ишга солиб юборди.

Марказий банк олти тижорат банк векселлар чиқариши ва муомаласида киритиш шартларини рўйхатга олди. Булар "Турон" банки (эмиссия ҳажми 50 миллион сўм), "Галлабанк" (эмиссия ҳажми 50 миллион сўм), "Ўзсаноатқурилишбанк" (эмиссия ҳажми 500 миллион сўм), "Ўзметасабзавотбанк" (эмиссия ҳажми 10 миллион сўм), "Ўзсавдогарбанк" (эмиссия ҳажми 250 миллион сўм), "Ўздекхонсаноатбанк" (эмиссия ҳажми 100 миллион сўм)дир.

Векселлар чиқарувчи бошқа эмитентлар ҳам пайдо бўлди. Ташки иқтисодий фаолият миллий банки, "Анджонбанк" ҳиссадорлик-тижорат банки, "Ўзэнгилсаноатбанк" ҳиссадорлик-тижорат банки ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қарор чиққанидан сўнг икки ойдан кўпроқ вақт ўтгач векселдан фойдаланишнинг баъзи яқунлари тўғрисида гапириш, унинг самараларига муайян баҳр бериш мумкин. Ҳозирги кунда республикадаги 11 ҳиссадорлик-тижорат банки 1455 миллион сўмлик вексел чиқарди. Шуларнинг ярмидан кўпроғи, яъни 946 миллион сўмликдан зиёд қисми тарқатиб бўлинди. Баъзи банклар ўзларининг дастлабки векселларини чиқариб бўлиб, иккинчи эмиссияни ҳам рўйхатдан ўтказдилар ва уларни сотиш бўйича ҳам муваффақиятга эришмоқдалар. Булар "Турон" банки, "Галлабанк" ва "Метасабзавотбанк" қабилардир. Марказий банк векселларни муо-

лага киритишнинг бориши тўғрисида бир қанча кўрсаткичлар бўйича ҳар куни маълумот тўпламоқда. Шундай кўрсаткичлардан бири векселларнинг айланишидир. Бу кўрсаткич индоссаментлар соҳиба қараб ёки вексел битимлари миқдорига қараб бегиланади. Чунки ҳар бир битим тузилаётганда битта индоссамент тўлдирилади. Ҳозир банк векселлари ўрта ҳисобда 6 дан кўпроқ индоссаментдан ўтмоқда.

Агар векселдан фойдаланиш хусусий тадбиркорга, банкка ва пировард натижада халқ ҳўжалигига келтираётган аниқ фойда тўғрисида гапирадиган бўлсак, тадбиркор учун, унинг мулкчилиги шаклидан қатъи назар, пул билан вексел орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. У олинган товар учун ўз шериқларига ҳақни пул билан ҳам, вексел билан ҳам тўласа бўлади. Лекин айна маҳал унинг пуллари банкдаги ҳисоб-китоб варағида турса, пул суммаси ўзгармайди. Банк векселининг суммаси эса ҳар куни ошиб боради. Бундан ташқари, вексел юқори ликвидли ҳисобланади, чунки тадбиркор истаган пайтида у билан ҳисоб-китоб қилиши мумкин ва унинг ҳақини тўлашга эмитент банк қарор беради.

Банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири - вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб этиш ва ўз миқдорларига кредит беришдир. Вақтинча бўш турган пул маблағларини тўловчи банкнинг кредит ресурсларини анча кўпайтириш ҳамда қорхоналар молияланишини фаоллаштириш учун янги манба очилади. Булардан ташқари, банк векселларни кредит тарзида бериши мумкин. Вексел кредитининг ҳажми 314 миллион сўмни - сотилган барча векселларнинг 33 фоизини ташкил этади. Жадал ривожланиб бораётган қимматли қоғозлар бозори тобора кўпроқ банк ва қорхоналарни қамраб олмақда. Ҳозирги пайтда тижорат банклари Марказий банкка мувожаат қилиб, векселлар чиқариш шартларини рўйхатга олишни сўрамоқдалар. "Тошкент" иқтисослаштирилган ҳиссадорлик банки, "Умарбанк" хусусий банки ва бошқалар шулар жумласидандир.

Вексел молиявий восита сифатида нотўловлар билан боғлиқ танглики юмшатишда ёрдам бермоқда. Бу хусусда аниқроқ мисол келтиришимиз мумкин: Шу йил 15 июнда Самарқанд вилоятида "Турон" банки Самарқанд сув иншоотлари қурилиши трести (СИҚТ)га қарашли 6-механизациялашган кўчма колоннага уч ойда қайтариш шarti билан 1500 минг сўм миқдорига вексел кредити берган. Бу қорхона Самарқанд СИҚТга қарашли Ишлаб чиқариш-технология комплекташ бошқармаси (ИТКБ)га қурилиш механизмларининг эҳтиёт қисмлари учун 1 миллион сўм ҳамда 5-механизациялашган кўчма колонна (МКК)га бинокорлик материаллари учун 250 минг сўм тўлаган. ИТКБ ўз навбатида 1 миллион сўмлик векселни 3-МККга у кўрсатган хизматлар эвазига берган, 3-МКК эса Навоий цемент заводида қурилиш материаллари учун вексел билан ҳақ тўлаган.

5-МКК ҳам ўзининг 250 минг сўмлик вексели билан Навоий цемент заводида қурилиш материаллари учун ҳақ тўлаган. Натижада Навоий цемент заводида 1250 минг сўмлик вексел тўланган ва бу векселлар бетўхтов айланиб турибди. Вазиятни таҳлил қилар бўлсак, ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу

1,5 миллион сўмлик вексел 3,5 миллион сўмлик товар айланишини таъминлаганлиги маълум бўлади. Векселларнинг бу айланишини куйидаги жадвалга солиб кўриш мумкин:

1995 йил 15 июнь "Турон" банки 1,5 миллион сўм

Самарқанд СИҚТга қарашли 6-МКК 1,5 миллион сўм

Самарқанд СИҚТга қарашли ИТКБ 1 миллион сўм

Самарқанд СИҚТга қарашли 5-МКК 250 минг сўм

3-МКК 1 миллион сўм

Навоий цемент заводи 1250 минг сўм.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон иқтисодиётида векселлар ёрдамида 6708 миллион сўмлик дебиторлик қарзи узилди. Ана шунинг ўзи, векселлар халқ ҳўжалигига келтираётган фойдаларнинг энг муҳими бўлса керак.

Ҳозиргача асосан банк векселлари ҳақида гапирдик. Лекин уларни фақат банкларгина эмас, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарадиган ва сотадиган қорхоналар ҳам чиқармоқда.

Товар кредитини расмийлаштиришда вексел жуда кенг қўланилмоқда. Сотувчи-кредитор харидор-қарздордан товар ҳақини кейинчалик тўлаш ҳақида мажбуриятнома олиб, унга товар етказиб беради. Буни тижорат вексели деб аталади. Уларни қорхоналар ўз оборот маблағларини кўпайтириш мақсадида чиқариб, ишлаб чиқариш учун зарур воситалар ҳақини ана шу векселлар билан тўлайдилар ва ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилганидан кейин векселга доир қарзларини уздилар. Бундай йўл туғиш соҳиб-китоб варағида шу кунги чиқимларни тўлаш учун етарли маблағи бўлмаган, кредиторлик қарзи бор қорхоналар учун жуда қулай.

"Ўздекхонсаноатбанк" ҳиссадорлик-тижорат банкига биринчи даражали тўловга лаёқатли қорхоналар векселлари эмиссиясини рўйхатга олишга рухсат берилган. Бу векселларнинг бланклари марказлаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган ва "Ўздекхонсаноатбанк"нинг бутун республика ҳудудидаги бўлимларига тарқатилган. Тижорат векселлари бозори таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунгача умумий суммаси 155 миллион сўмлик 1250 та вексел чиқарилган. Қорхоналар фақат тижорат векселлари ёрдамида деярли 700 миллион сўмлик дебиторлик қарзини уздилар. Қорхоналарнинг векселлари ўрта ҳисобда 4-5 индоссаментдан ўтади. Бироқ республиканинг ҳамма минтақаларида ҳам қорхоналар векселлардан муваффақиятли фойдаланяпти, деб бўлмайди. Бу борада Наманган вилояти энг фаол иш олиб борапти. У ерда жами 103 миллион сўмлик, Хоразм вилоятида жами 30 миллион сўмлик вексел рўйхатга олинган. Лекин Қашқадар, Самарқанд, Жиззах ва бошқа вилоятларда бирорта ҳам қорхона ўз векселини чиқармаган. Умид қиламанки, яқин келажақда бу вилоятларда ҳам векселлардан фойдалана бошланади.

Вексел бозори ривожланишининг истиқболлари ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, вексел тизимини жорий этиш векселлар бозори барпо этишнинг бир неча босқичини кўзда тутати. Ҳозирги пайтда банклар ўртасида векселлар ҳисобини юритиш ва пулни тўлаш тўғрисида кўп томонлама битимлар тузиш йўли билан янги вексел минтақасини вужудга келтириш зарурати туғилди. Шундай қилиниши векселлар муомаласида бўладиган муҳитни кенгайтириш ҳамда улар ликвидлигини ошириш имконини беради.

ҚЎШМА БАНК БИЗГА БЕГОНА ЭМАС

Боши 1-бетда

мутлақо фарқ қилади.

Биз ўз ишимизни Ўзбекистон Республикасининг қонунилари асосида олиб бораёلمиз ва республика банк тизимида юз бераётган ўзгаришларни яхши кўриб турибмиз. Баъзан пул йўқлиги туфайли айрим банкларнинг миқозлари ўз ҳисоб-китоб варақларидаги маблағни ўзлари истаганича тасарруф эта олмаганининг гувоҳи бўляпмиз. Ҳолбуки, Европа банкларида миқозлар билан муносабат ўзгача. Миқоз ўз ҳисобварағидан пул ололмас, банкка ишонч йўқолади. Республика Марказий банки бу масалани ўз назоратига олиб, тижорат банклари олдига қаттиқ талаблар қўётганини кўриб қувондик. Миқоз ўз ҳисобварағидаги зарур миқдордаги пулни истаган маҳалла олиши мумкинлигига ишонч қилиб бўлиши лозим. Марказий банк дебет қолдиғига йўл қўётган тижорат банкларига нисбатан жуда қаттиқ сиёсат олиб бораётгани, фикримизча, Ўзбекистон банк тизимидаги катта ўсишлар.

Ўзгариб бораётган шароитда қўшма банк фаолияти ҳам осонлашмоқда. Ўзбекистон-Туркия банкнинг активлари шу йил январ ойига нисбатан уч баравардан зиёд кўпайди ва 1 августга келиб 330 млн. сўмдан ошиб кетди. Ўтган йили банк 13,6 млн. сўм фойда олган бўлса, бу йилнинг биринчи ярмида мазкур кўрсаткич 20 млн. сўмга етди.

- Сизнингча, қўшма банк бошқа банклардан нимаси билан фарқ қилади?

- Миқозларимизга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатишга интиляпмиз. Валютада ҳам, сўмда ҳам ҳисобварақлар очаяпмиз, кредит-касса хизматлари кўрсатаёпмиз, доллар ва сўмда кредитлар бераёпмиз, маслаҳатлар бериб турибмиз, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосламаларини ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатаёпмиз. Августдан бошлаб янги турдаги хизматни жорий этдик - энди бойликлар ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш учун қабул қилаёпмиз.

Қўшма банк "Зироат банки"нинг ҳамда

"Дойчебанк"нинг вакиллик ҳисобварақлари орқали ишлаяпти ва замонавий даражадаги информатизация (факс, телекс) шарофати билан иқтисодий маълумотларни Туркия ва Олмонияга бир соат ичида етказишимиз мумкин. Жаҳондаги бошқа давлатларга тўловларни "Дойчебанк" орқали 2-3 кунда ўтказаяпмиз. Чет эллардаги 25 та банк бизга вакиллик муносабатлари ўрнатди ва ўзаро ҳамкорликда ишлашни таклиф қилмоқда.

Ҳозир "Зироат банк" биз учун янги компьютер дастурини тайёрляпти. Қўшма банкимизда валюта ҳисобварағи очган жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш учун янада замонавийроқ машина-ускуналар - пластик варақчалар билан ишлайдиган махсус автоматларни жорий этиш ниятидамыз.

Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Ўзбекистон-Туркия қўшма банкнинг филиалларини очиш ҳам кўзда тутилган.

- Сухбатингиз учун раҳмат.

Сухбатдош В.ДУБОВ.

ҒАЛЛАБАНК: ЎСИБ, ЎРГАНЯПМИЗ.

**Ғаллабанк ихтисослаштирилган
ҳиссадорлик-тижорат банки бошқаруви раиси
Йўлдошбой Эргашев қуйидагиларни ҳикоя қилади:**

Ғаллабанк ихтисослаштирилган ҳиссадорлик-тижорат банки - мамлакатимиздаги энг жўшқин ривожланаётган, эн мустақиллигига эришиш билан боғлиқ мураккаб ва муҳим вазифаларни бажаришда фаол қатнашаётган банклардан бири. Бу банк ўтган йили республика Президентининг Фармонида кўра дон маҳсулотлари корхоналарида ҳисоб-китобларни тезлаштириш ва яхшилаш мақсадида ташкил қилинган эди. Бунга донни қабул қилишдан бошлаб тайёр маҳсулотни истеъмолчига сотишгача бўлган жараёндаги ҳисоб-китоблар кирди. Ўтган йилнинг август ойи бошларида Ғаллабанк Марказий банкда рўйхатдан ўтиб, банк операцияларини бажариш учун N45 лицензия олди. Унинг асосий муассислари Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўздекҳонсаноатбанк, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси ва унинг вилоят бўлинмаларидир. Келажакка мўлжалланган стратегик мақсадларни кўзлагани учун ҳам, Ғаллабанк ўз фаолиятида дарҳол фойда олишга интилни йўқ, балки тармоқда бозор инфраструктурасини яратиш юзасидан жонбозлик билан иш олиб борди. Қисбатан қисқа вақт ичида банк жўшқин ривожланиб, ўсганлиги қанчалар стратегиянинг тўғрилигидан далolat беради. Банк ишлаган дастлабки йилда икки марта акция чиқариб сотилиши натижасида унинг устав сармояси 8 миллион сўмдан 50 миллион сўмга етди ёки 6 баравар кўпайди. Ҳозир унинг марта акциялар чиқаришга тайёрланган. Биз бу акцияларни ўз акциядорларимизгагина эмас, шу билан бирга корхона ва ташкилотларга ҳам тарқатмоқчимиз. Шунингдек бу акциялар қимматли қоғозлар бозоридан ҳам сотилади.

Ўтган йилнинг октябрь ойида ўтказилган дастлабки банк операциялариёқ унинг муассислари тармоқ корхона ва ташкилотларига коплексе хизмат кўрсатадиган универсал тижорат банки барпо этиш ниятида эканликларини тасдиқлади. Биз ташкил топган пайтимиздан бошлаб мижозларга жуда кўп ва анъанавий ва янги турдаги хизматлар кўрсатиш йўли билан улар эътиборини ўзимизга жалб этиш учун курашишга мажбур бўлдик. Бу босқичда "фақат олға" шиори асосий гоя бўлиб қолди.

Ғаллабанк ўзи танлаган шиорни тасдиқлаб, дастлабки йили анъанавий банк хизматлари бўлган ҳисоб-китоб-касса хизмати кўрсатиш ва кредитлар беришнинг узлаштириб қолмай, аини пайтда қимматли қоғозлар (акциялар, векселлар) чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Биз 123 миллион сўмлик вексел чиқардик, бу эса тармоқда дебиторлик ва кредиторлик қарзининг бир миллиард сўм қисқаришига олиб келиши лозим.

Танланган тактика натижасида мижозларимиз анча кўпайиб, 200га етди. Улар орасида давлатга қарашли, аралаш, ҳиссадорлик асосида ишлайдиган, кичик корхоналар бор. Ҳозир шоликдорлик хўжаликларини бизнинг хизматимиздан тобора кўпроқ фойдаланишяпти. Уларни банк кўрсатаётган комплекс хизмат (донни қабул қилишдан бошлаб уни қайта ишлашгача) ўзига жалб қилмоқда.

Ғаллабанк ўзи ташкил топган дастлабки пайтдаёқ филиаллар тармоғини барпо эта бошлагани ҳам бу банк ривожланишининг ўзига хос хусусияти бўлди. Ҳозир барча вилоятлар марказларида банкимиз филиаллари муваффақиятли ишламоқда. Биз банк хизматларини мижозларга яқинлаштириш мақсадида донни энг кўп ишлаб чиқарувчи Қашқадарё вилоятида иккита филиал очдик. Наманган вилоятида Поп ва Учқўрғон филиаллари, Қорақалпоғистонда Тўртқўл ва Қондиқўл филиаллари ишлайпти. Ғаллабанкнинг янги бўлинмалари ташкил

этилмоқда: Ҳоразм вилоятида - Хонқа бўлими, Андижон вилоятида - Қўрғонтепа бўлими, Фарғона вилоятида - Қўқон ва Кува филиаллари, Қорақалпоғистонда - Чимбой бўлими.

Жўшқин ривожланишга интилиш яна шунда намойён бўлдики, Ғаллабанк 1994 йил 21 ноябрда ташқи иқтисодий алоқалар штирокчиси сифатида рўйхатдан ўтгач, дастлабки йилиёқ Марказий банкнинг чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун N20 бош лицензиясини олди. Ҳозир Ғаллабанк Россия ва Қозғистоннинг тижорат банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатмоқда, Олмониядаги Дойчебанк ҳамда Голландиядаги Рабабанк биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирмоқда.

Филиаларимиздан ҳеч бирида дебет қолдиги йўқлиги ҳам Ғаллабанк самарали ишлаши ва ишончилигининг далили бўлиши мумкин. Шунини таъкидлаб ўтмоқчиманки, бундай жиҳат ҳар қандай банк муассасаси учун, айниқса дон топширувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишда марказлаштирилган кредит ресурсларидан қатта ҳажмда фойдаланидиган бизниқига ўхшаш банк учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай шароитда ҳар бир сўм ўринли сарфланиши муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, тижорат банки уч хил сармоядан фойдаланади. Булар - молиявий сармоя, ҳодимлар ҳамда мижозларнинг ишончи. Бугунги кунда биз банк хизматчисининг ўзига хос хусусиятларга эга янги модели шаклланишининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Банк ходими учун йўриқномаларни пухта бажаришнинг ўзи камлик қилади. Йўриқномаларга риоя этиш билан бирга қаллани ҳам ишлатиш керак бўлади. Банклар, шу жумладан бизнинг банкимиз ҳам малакали, саводли, замонавий фикрлайдиган мутахассисларга муҳтож.

Республикамизда юқори малакали мутахассислар талаб қилинадиган янги банклар ташкил этилаётган ҳозирги шароитда бу масала энг асосий муаммо бўлиб турибди ва ходимлар росмана "олтин фонд"га айланиб қоляпти.

Қатта ва мураккаб вазифа - Ғаллабанкнинг барча хизматларини саводли мутахассислар билан тўлдириш муаммоси бир неча йўللار билан ҳал этилмоқда. Хусусан, ҳар бир ходим Марказий банкда ўтказилаётган барча семинарларда, шунингдек республикадаги бошқа молия институтларида аниқ мақсадни кўзлаб ўқитилаяпти. Ходимлар Минтақавий банк ўқув марказида тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишяпти. Дарвоқе, тижорат кредитининг янги тури - вексел муомаласи ёрдамида кредитлаш жорий этилиши олдида Ғаллабанк бу марказда ўз ходимлари учун банкларнинг векселли операциялари бўйича махсус семинар ўтказди. Мутахассисларимиз халқаро молия институтларида ва энг қатта чет эл банкларида иш ўрганиб келишяпти. Бизнинг мутахассисларимизга валюта операциялари ўтказишни ўргатиш тўғрисида вакил банклар - Информпрогрессбанк, Россиянинг "Россия кредити" банки билан шартномалар туздик.

Еш банкнинг бир йиллиги - жуда кичик муддат. Биз бир вақтнинг ўзида ҳам ўсяпмиз, ҳам ўрганипмиз. Лекин шу қисқа вақт ичида ўз иш услубимизга эга бўлдик. Бу услубнинг фарқловчи жиҳатларидан бири шуки, биз ўз мижозларимизга табақалаб ёндашишга, бунда улар фаолияти характерини ҳисобга олиб фойиз ставкаларини белгилашга ҳаракат қилаймиз. Юридик шахслар билан ишлашда муайян тажриба тўплагач, яқин вақт ичида аҳоли билан ҳам пул операциялари ўтказиш бошлаш ниятидамыз.

Мақсадимиз - юқори даражада банкка айланиб республикамиз ва жаҳон банк тизимидан муносиб жой эгаллашдир.

МИЖОЗЛАР ВА ОМОНАТЧИЛАР УЧУН ЭСЛАТМА

Бир томондан корхона ва ташкилотлар бизнесини ривожлантиришда яхши шерик бўла оладиган ва иккинчи томондан омонатчилар учун ишончли даромад манбаи вазифасини бажаришга қодир банкни тўғри танлаш анча мураккаб масала. Шу боис "БА" нинг таҳлил хизмати сизга хавф-хатар ва кўрилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш учун муайян даражада ёрдам бера оладиган "ўз" банкнингизни танлашда айрим амалий тавсияларни, умумий хатти-ҳаракатлар схемасини таклиф этмоқчи. Умид қиламизки, таклиф этилаётган эслатмадаги мантиқий тамойилларга амал қилиш банк омонатчилари ва мижозларига молия бозорининг мураккаб муҳитида тўғри йўл топишда ёрдам беради.

Эътиборингизни аввало Ўзбекистон банк тизимининг ўзига хос хусусиятларига, яъни банк ва филиаллар нисбатан унча кўп эмаслигига қаратмоқчимиз. Республика ҳукумати сиёсатига мос келадиган бу хусусият муайян даражада талафотлардан сақлайдиган кафолат ва сугурта бўлиб хизмат қилади. Бироқ, бу банклар орасида муайян даражада муваффақиятли ишлаётганлари ҳам, зарар кўраётганлари ҳам бор. Шундай экан, сиз ишни минтақангизда ишлаётган пул-кредит муассасалари тўғрисида хилма-хил манбаларнинг (шу жумладан банк ишига ихтисослашган нашрларнинг) фикрларини ўрганишдан бошлашингиз лозим. Сиз йиллик ҳисоботлар, баланслар ҳақида банк филиаллари бор-йўқлиги ва улар қай даражада ривожлангани, банк қачон ташкил этилгани ва фойиз ставкаларининг ҳажми тўғрисида маълумот тўпланг.

Матбуотда эълон қилинган маълумотларни ва бошқа манбаларни ўрганиш натижаларига кўра бир неча банкни танлаб, уларга ташриф буюринг. Ташриф чоғида эътиборингизни банк қасрда жойлашганига (марказдан қанча узоклигига), бинонинг ташқи кўринишига, ичкариси қандай жиҳозланганига қаратинг. Одатда, шаҳарнинг нуфузли ерида жойлашган банкнинг иши муваффақиятли боради.

Хизмат кўрсатиш даражасига, ходимларнинг хушмуомалалиги ва билимдонлигига алоҳида эътибор беринг. Агар хизмат кўрсатишга шошилишмасан, саволларингизга қатъиятсизлик билан ва истар-истамай жавоб беришса, банкнинг ишончлилик даражаси тўғрисидаги маълумотларни яширишса, бундай муассаса билан иш олиб бориш

ва унга ўз маблағингизни ишониб топшириш мақсадга қанчалик мувофиқ бўлиши тўғрисида ўйлаб кўринг.

Сизга хизмат кўрсатиш учун қанча вақт кетганини, банкда "қоғозбозлик" қай даражада эканлигини ҳисобга олиб кўйинг. Агар омонатингизни баъзур расмийлаштирган бўлсангиз, уни қайтариб олишга қанча куч ва вақт керак бўлишини тасаввур қилиб кўринг.

Энди тўпланган ҳамма маълумотни чиғириндан ўтказиб, маблағ қўядиган "ўз" банкнингизни танлаб, у билан шартнома тузишингиз зарур. Унда омонатга қўйилаётган пул миқдори, шартнома муддати, сизга тўланадиган фойизлар, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни бузганлик учун жавобгарлик аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Ана шу аниқ, пухта моддалар ўрнига "омонат шартлари билан танишдим" каби мажҳул сўзлар ёзилган ҳужжатларга имзо чекиши маслаҳат бермаймиз. Бундан ташқари, сизнинг ҳуқуқларингизни камситадиган шартномага ҳам мутлақо имзо чекиб бўлмайди, албатта. Башарти маблағингизни ишончли сугурта қилмоқчи бўлсангиз, биринчидан, сугурта компанияси ҳақиқатан ҳам борлигига ишонч ҳосил қилишингиз керак (агар бу компания банк билан алоқадор бўлса, пулингизни қайтариб олиш имконияти камайди), иккинчидан, сугурта компанияси билан сугурта шартномасини фақат ўзингиз (пулингизни қабул қилган банк эмас) тузишингиз керак.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, ана шу жиҳатларнинг барчасига шартнома имзолангунча эътибор бериш зарур. Шартномага имзо чекканингиздан кейин ҳеч нарсаи ўзгартириб бўлмайди.

Ҳужжат тўғри расмийлаштирилганини ва унга банк кенгашининг (унинг эгалари манфаатларини ҳимоя қиладиган ташкилот)нинг раиси эмас, балки бошқарув раиси (ёхуд банк маъмуриятининг махсус ишончнома билан ваколат берилган бошқа вакили) имзолаганини текширинг. Шартнома албатта икки нусхада тузилган бўлиши ва унинг бир нусхаси Сизга берилиши шарт.

Ва ниҳоят, ўзингиз танлаган банкка пул қўйгач, албатта унинг фаолиятини ҳамда молиявий аҳволини кузатиб бориинг.

"БА" таҳлил хизмати

"ПАХТАБАНК" ҲИССАДОРЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Шу йилнинг 7 август куни Тошкентда "Пахтабанк" ихтисослаштирилган ҳиссадорлик-тижорат банки ҳиссадорларининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

"Ўздекҳонсаноатбанк"нинг ҳуқуқий вориси бўлган "Пахтабанк"ни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, "Ўздекҳонсаноатбанк"нинг шу йил биринчи ярмидаги ишларига яқун ясалди. Йиғилиш иштирокчилари банк қишлоқ жойларда иқтисодий ислохотлар амалга оширилишига ёрдам берганини, қишлоқ хўжалигини ва қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга инвестициялар ажратганини таъкидладилар.

Банк билан мижозларнинг ўзаро муносабатларидаги ҳал этилмаган масалалар тўғрисида ҳам гапирилди.

Йиғилишда "Пахтабанк" мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, пахта экувчи хўжаликларни ривожлантириш, ҳисоб-китобларнинг янги шакллари жорий этиш ва такомиллаштириш, малакали банк ходимлари тайёрлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиши лозим

лиги таъкидланди.

Ходимларни тезроқ аттестациядан ўтказиш, ихтисоссиз ходимлардан воз кечиш зарур.

Барча операцияларни компьютерлаштириш, автоматлаштириш ва механизациялаш банк фаолиятини, хизмат маданиятини яхшилашнинг муҳим омилдир.

Йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 27 июлдаги қарорига мувофиқ "Пахтабанк" ихтисослаштирилган тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. "Ўздекҳонсаноатбанк"нинг ярим йиллик иш яқунларини, банк уставини тасдиқлади.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф.Муллажонов иштирок этдилар.

И.Шаропов.

БАНКЛАРДА ИНФОРМАТИЗАЦИЯ

Банк машина-ускуналари ва тизимлари соҳаси маълумотларни узатиш, уларни ҳимоялаш ва қайта ишлаш соҳасидаги энг яхши илгор томонларни ўз ичига олади. Банк иши алоҳида шарт-шароитда фаолият кўрсатади. Булар - қатъий белгиланган шахсларга ўқиши мумкин бўлган ниҳоятда кўп маълумотларни қайта ишлаш зарурати билан боғлиқдир. Бу маълумотларни узоқ жойлардаги кўпга кичик бўлимларга етказиб бериш ҳам анча мураккаб масала. Зеро, ҳар бир банк ўз филиаллари кенг тармоғини барпо этишдан манфаатдордир. Булардан ташқари, банк тизимлари раҳбарият учун самарали қарорлар қабул қилинишини таъминлабгина қолмай, қундалик ишларни ҳам назорат қилиб бориши керак.

Банк фаолиятини компьютерлаштиришдан кўзланган мақсад ана шу вазифаларни ҳал этишдан иборатдир.

Ҳар бир раҳбар ўз тузилмасини информатизациялашга киришар экан, натижада нималарга эришиш мумкинлигини, ушбу вазифанинг ҳал этилиши янги мижозлар топишда ва рақобатчиларни енгишда қай даражада ёрдам бериши, янги хизматларни жорий этиш учун қандай имкониятлар топилиши ва шу орқали омонатчиларни қанчалик кўпайтириш мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўриши лозим.

Айни кичик омонатчилар билан ишлаш ҳажми кўпайиши муқаррар. Эртага фақат йирик юридик шахслар билан ишлаш мураккаб бўлиб қолади. Бутун дунёдаги бой банклар жуда кўп кичик омонатчиларнинг кичик суммалари билан ишлайдиган банклардир. Лекин шу аснода баъзи саволлар туғилади: Кўпга мижозлар билан ишни қандай ташкил этиш керак? Қандай қилиб ҳар бир мижознинг феъл-атвориға мос келадиган ва унга ёқадиган хизматлар кўрсатиш мумкин? Ва ниҳоят, ҳар бир мижознинг рентабеллик даражасини қандай аниқласа бўлади? Булар шунчаки саволлар эмас, зеро кимда-ким майда омонатчилар билан ишлашга яхшироқ тайёрланса, рақобат курашида голиб чиқади. Бу борада эса информатизациясиз бирон иш битириш қийин.

Бундан 10 йил муқаддам Фарб банклари информатизация технологияларига жуда жўн ва бир хилда ёндашишган эди - тобора янгироқ турдаги техникани сотиб олиш билан чекланиш мумкин эмас, чунки бу рақобат курашида омон қилишга имкон бермайдди. Суръат шунчалик юқори эдики, сотиб олинаётган техника ва дастурларнинг рентабеллиги ҳамда самарасини хомчўт қилиб кўришга вақт етишмасди. Орадан вақт ўтди, айни банк тизимида компьютерлаштиришга алоҳида ёндашув зарурлигини кўпчилик тушуниб етди. Эндиликда Фарбдаги банк мутахассислари, масалан, қаллобликка қарши курашда нейрон тармоқлари технологиясидан фойдала-

ниш ҳақида гапиришарди. Чунинчи, нейрон тармоқлари учун асос қилиб олинган гоё гоё содда: Одамларнинг феъл-атвори уларнинг харид одатларига таъсир қилади. Кишилар одатда ўз пуллари маълум миқдорда сарфлашади ва улар янги буюмларни қанча вақт оралиғида сотиб олиб туришларини олдиндан айтиб бериш мумкин. Нейрон тармоқлари ана шундай феъл-атворларга мос келмайдиган хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш имконини беради. Тизим гайриоддий хатти-ҳаракатни аниқлайди ва шу заҳоти кредит варақасини берган банкни огоҳ этади.

Экспертлар нақд пул билан ишлаши учун мўлжалланган машина-ускуналар ва пластик варақчалар бозоридидаги фаоллик жуда ошиб кетганлигини таъкидлаб, банкларга XXI аср режаларида банкотматлардан фойдаланишнинг учта ўзaro боғлиқ жиҳатини ҳисобга олишни тавсия қилмоқдалар. Бу жиҳатлар бир-бирига хизмат кўрсатиш, чеклар билан операциялар ва банкотматларни жойлаштириш кабилардир. Бир-бирига хизмат кўрсатиш, яъни фақат ўзининг эмас, бошқа банкларнинг мижозларига ҳам хизмат кўрсатиш - банкотматлардан фойдаланишнинг энг муҳим жиҳати.

Келажакда банкотматлар фақат нақд пул ва хисоботларни эмас, бошқа қоғозларни, масалан чакана чекларни ҳам бера оладиган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Тахлил хизматларининг таъкидлашчи, жаҳон молия бозорларида юз бераётган асосий ўзгаришлар мунтазам тусдаги хатарни камайитиришга ёки унинг олдини олишга қаратилган. Кўпгина мамлакатлар ўз пул-ҳисоб-китоб тизимларида йирик битимларга аниқ вақт тартибда хизмат кўрсатишни жорий этиш, ўз тўлов тизимларини "SWIFT" электрон тўлов глобал тизимига улаш орқали бу муаммони ҳал эта бошладилар.

Фарб банк тизимини компьютерлаштиришда тўпланган жуда катта тажриба бизга унинг энг яхши томонларидан фойдаланишга қолмай, илгари йўл кўйилган хатоларни такрорламаслик имконини беради. Шу мақсадда "Нурон ЛТД" фирмасининг "Банк технологиялари" бўлими мутахассислари газетхонлар эътиборига бир туркум мақолаларни хавола этиб, уларда банк тизимини компьютерлаштириш соҳасида эришилган сўнги ютуқлар ҳақида ҳикоя қилмоқчилар.

Жаҳондаги қайси фирмалар етказиб берадиган ва қандай турдаги компьютер техникаси банк ишида энг катта фойда билан қўлланилиши мумкин? Қандай дастурлар аниқ хизмат кўрсатиш ва операциялар ўтказиш учун энг оқилона ва мос бўлиши мумкин? Қандай қилиб платформани тўғри танлаш ва локал тармоқни қандай барпо этиш мумкин? Ана шу саволларга "Банк ахборотнома-си" саҳифаларида жавоб оласиз.

Яқин орада чиқадиغان сонлардаги мақолаларни мижоз-сервер архитектурасига бағишлаш кўзда тутилмоқда. Чунки бу масала замонавий банк

тизимларида асосий ўринлардан бирини эгалламоқда.

Серверлар ҳақидаги ҳикоямизни Sun Microsystems ва Hewlett-Packard каби машҳур фирмаларнинг маҳсулотидан бошлаймиз.

Жаҳонга танилган бу фирмалар серверлари қисқартирилган командалар тўпламидан фойдаланишга асосланган. Технология процессорнинг машина командалари тўпламини мумкин қадар соддалаштириш ҳисобига ҳисоблаш тезлигини ошириш гоёсига асосланади. Оддий машина командалари жуда тез бажарилиб, айниқса ҳисоб-китоб билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишда анча вақт тежаллади.

Қудратли ва ишончли серверларга алоҳида эътибор берилди, чунки улар компьютер тармоғининг марказий бўғини ҳисобланади. Унинг ресурсларидан эса бошқа компьютерларда фойдаланилади. Сервер кўпга хилма-хил вазифаларни бажаради: маълумотларни сақлайди ва талаб қилинганда очиб беради, электрон почтани бошқаради, ҳисоботлар тузади ва бошқа кўпгина ишларни амалга оширади. Кўп ҳолларда ишчи станциялардан, яъни юқори самара билан ишлайдиган ва график системалар, автоматлаштирилган лойиҳалаш ёки илмий-амалий дастурлар тизимлари учун мўлжалланган микрокомпьютерлардан сервер сифатида фойдаланилади. Ишлаш самараси энг паст бўлган ишчи станция тахминан юқори самара билан ишлайдиган шахсий компьютерга тўғри келади. Газетанинг навбатдаги сонларидан бирида ишчи станциялар тўғрисида алоҳида мақола берилди.

Novell фирмасининг маҳсулотлари тўғрисида материаллар бўлади. Шуниси қизиқарлики, Novell фирмаси беш йиллик ривожланиш истиқбол режа-

Бизнинг маълумот:

"Нурон ЛТД" фирмаси - APPLE COMPUTER, INS компаниясининг муаллифлаштирилган дилери, Novell компаниясининг расмий дилери, 1994 йил июль ойидан бошлаб "Нурон ЛТД" жаҳонда энг йирик микроэлектроника ишлаб чиқарувчиларидан бири бўлган INTEL TECHNOLOGIES фирмасининг расмий дистрибуторлари қаторидан жой олган. Фирма мутахассислари махсус тайёрларикдан ўтиб, Hewlett-Packard техникасини сотиш ва унга техник хизмат кўрсатиш учун расмий ҳуқуққа эга бўлганлар. Фирма шу йил бошидан эътиборан SUN Microsystemsнинг муаллифлаштирилган дилери бўлди, машҳур Acer Computer фирмасининг дистрибуторига айланди. Фирма кўйидаги йўналишларда ишланмалар олиб бормоқда:

- банк соҳасида, офисларда, компьютер-матбаа ишларида тармоқ технологияларини жорий этиш (UNIXWARE ва NOVELL NETWARE асосида);
- ОС UNIX асосида ишловчи кўп терминалли комплексларни жорий этиш;
- компьютер коммуникациялари (RELCOM тармоғи - internet бўлинимаси);
- корхона бошқаруви, бухгалтерия ҳисоби, ўқитиш ишлари учун мўлжалланган дастурларни, шунингдек DOS, WINDOWS, UNIX муҳитида маълумот базаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун зарур махсус воситаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- фойдаланувчилар ва мутахассисларни ўқитиш;
- ҳисоблаш ҳамда офис техникасини тузатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- нақдгисасиз тўловлар ҳамда биноларга кириб-чиқилишини назорат қилиш, маълумотларни криптографик ҳимоялаш учун смарт-карталардан фойдаланиб, электрон қурилмалар ишлаб чиқиш.

сига мувофиқ қўйидаги бешта асосий йўналишларга алоҳида эътибор беради. Булар гетероген корпоратив тармоқлар, тармоқ интерактив хизматлари, симсиз алоқа, тармоққа оид иловалар ва уйда фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Маълумотлар базасини яратиш ва бошқариш банк тизими учун амалда ундан нормал молиявий фаолиятда фойдаланиш борасида энг асосий иш бўлади. Шу боис замонавий Маълумотлар Базаларини Бошқариш Тизимлари (МББТ) тўғрисида ҳам алоҳида мақола бериш мўлжалланапти. Улар орасида Inforfix тизими алоҳида ўрин тутди. Урнатилган тизимлар сонига кўра (турли архитектура ва қувватга эга бўлган компьютерлардаги 600 мингдан зиёд тизим) МББТ бозорининг қарийб 40 % ни Inforfix назорат қилмоқда. Бундан ташқари, Inforfix 4-авлод тиллари - 4GL ва CASE - тизимлари билан ишлаш воситаларини етказиб берувчи асосий таъминотчи ҳисобланади.

Acer ва Hewlett-Packard каби машҳур фирмаларнинг локал тармоқ серверлари тўғрисида ҳам махсус мақолалар чиқарамиз.

Бундан ташқари, Microsoft фирмасининг локал тармоқларига, амалий дастур таъминоти-га, шунингдек телекоммуникация масалаларига алоҳида ўрин ажратилади. Зеро банк фаолиятининг бирорта соҳасини ҳам ана шуларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Жаҳон тажрибасидан фойдаланиш ва ўз тажрибасига эга бўлиш мамлакатимиз банк тизимларининг режали суратда жаҳон банк тизимига кириб боришида ёрдам беради.

Материаллар "Нурон ЛТД" фирмасининг Банк технологиялари бўлими мутахассислари томонидан тайёрланган.
Тел. 67-71-23
факс 67-24-50

ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ВА ФАН

Марказий банкда янги бўлинма - Иқтисодий тадқиқотлар маркази ташкил этиляпти. Марказ олдида турган вазифалар ҳақида Марказий банк Пул-кредит сиёсати департаментининг ходими, иқтисодиёт фанлари номзоди Орифжон Намозов ҳикоя қилади.

Республикамизда тизим ўзгаришлари босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳозирги шароитда Марказий банк олдида пул-кредит сиёсати тамойили ва усулларини қайта қуриш ва такомиллаштириш ҳамда кредит муассасалари барқарор тизимини вужудга келтириш муаммолари ниҳоятда долзарб бўлиб қолди. Шу аснода ислохотларнинг биринчи босқичида бозор тамойилларига асосланган амалий қадамлар кўйилди. Бу қадамлар аввалида бозор иқтисодиёти амалиёти танқидий нуқтаи назарда идрок этилиб, республикамиздаги шарт-шароит ва миллий устунликлар ҳисобга олинди.

Икки бўғинли банк тизимига асос солинди. Бу нарса Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин янада ривожланди. Агар, бир томондан, иш усуллари янгиланган ва Марказий банкнинг ташкилий таркиби халқаро тажрибани ҳисобга олиб қайта қурилган бўлса, иккинчи томондан, иккинчи даражали банклар кўпайиб борди. Марказий банк амалга оширган бир қанча тадбирлар натижасида пул-кредит сиёсатининг йўналиши сезиларли даражада ўзгарди: яъни иқтисодиётнинг кредитга бўлган эҳтиёжларини таъминлашдан пул муомаласини тартибга солиш ва назорат қилишга ўтибди. Ҳозирнинг ўзидаёқ пул массаси асоссиз кўпайишига йўл қўймаслик натижасида пулнинг қад-қадсизланиши пайсаганлиги сезилмоқда. Тижорат банкларининг кредит фаолиятини эркинлаштиришда анча ўзгариш-

лар юз берди.

Бошқа томондан, бу ютуқлар Марказий банкнинг барча амалий вазифалари тўла-тўқис бажарилганини билдирмайдди. Банк тизими таркиби, мукамал шаклланишининг навбатдаги босқичида турибди. Пул-кредит тадбирлари маълум даражада қадрсизланишига қарши секин-аста шаклланаётган пул сиёсат учун жиддий синованинг бошланиши бўлди. Қилинган ишлар бозор муносабатларига ўтиш учун янги молия ва банк тизимини барпо этишнинг дастлабки босқичи, ҳолос. Мустақил давлатнинг молиявий тизими ва сиёсатини минтақавий ва жаҳон савдо-иқтисодий алоқалар доирасида янада ривожлантириш зарурати тўпланган тажрибани иқтисодий нуқтаи назардан жиддий тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Чет эл тажрибасини ҳисобга олиб, давлатимиз эҳтиёжлари ва хусусиятларига мувофиқ иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларида жорий этиш учун оқилона молиявий механизмларни қидириб топиш, шунингдек пул-кредит ҳамда валюта сиёсати ишлаб чиқилишини доимий равишда илмий ва тахлил жиҳатдан таъминлаш зарурати Марказий банкда атрофлича тахлил ишлари ташкил этилишини талаб қилди. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда пул-кредит масалаларини тартибга солувчи ташкилотлар фаолиятини уюштириш тажрибаси иқтисодий тараққиёт, шу жумладан пул муомаласи, молия, банк тизимлари ва

банк ҳисоб-китобларини фундаментал ва амалий жиҳатдан илмий тадқиқ этишга катта аҳамият берилганини кўрсатмоқда.

Бирок Иқтисодий тадқиқотлар маркази ташкил этилиши Марказий банк иқтисодий сиёсатини таъминлашга доир тахлил ишлари энди фақат шу департаментда олиб борилишини билдирмайдди. Бошқа асосий департаментлар ҳам ўз оператив функционал эҳтиёжларини қондириш мақсадида шунга ўхшаш бўлинмалар очишлари мумкин. Бирок департаментларнинг оператив тахлил ишларига тадқиқотларнинг узоқроқ муддатли дастурлари асос бўлиши, бу ишлар атрофлича макротахлил ва тизимли тадқиқотлар билан умумлаштирилиши лозим. Марказий банк ички бўлинмалари тахлил ишларининг самарали ҳамжиҳатликда бориши ва бир-бирини тўлдиришини Марказий банк иқтисодий сиёсатининг ахборий-тахлил таъминлашиши вазифасини ҳал этишга комплекс ёндашиш, деса бўлади.

ИТМ тадқиқотларининг ўзига хослиги бошқа (идоравий ва мустақил) илмий-тадқиқот институтларидан нимаси билан фарқ қилади? Бу, биринчидан, ИТМ пул-кредит масалаларини тартибга солиш билан шуғулланадиган тахлил ҳисобланган Марказий банк ҳузурида ташкил қилинаётганлиги, иккинчидан, бу тахлилнинг фаолияти макроиқтисодий кўламдаги маъсул амалий вазифаларга тааллуқлиги билан белгиланади. Ана шу ҳолат марказ ишидаги учта принципиал жиҳатни белгилаб беради. Булар: а) муомаладаги пул массаси миқдорини аниқлашга оид иқтисодий тадқиқотларнинг амалий тусда бўлиши; муомаладаги пул массасини бошқариш (камайитириш ва кўпайитириш) усуллари; кредит муасса-

салари фаолиятини тартибга солиб туриш (лицензиялар бериш ва назорат қилиш); б) асосан тадқиқотларнинг макроиқтисодий таркиби - улар миллий даромад ва маҳсулот ҳисобварақлари, давлат молияси статистикаси, махсус пул ҳисобварақлари, тўлов баланси негизида олиб борилади, демакки макроиқтисодий кўрсаткичларга чиқади; в) ишлаб чиқаришга ва пулнинг ўзгарувчан миқдорига доир тадқиқотларнинг интеграл тусда бўлиши - муомаладаги пулнинг зарур ҳажминини тўғри чамалаш учун ИТМ эконометрик моделлари ўзгарувчан миқдор сифатида меҳнат ресурсларини, сармоияни, пул қадрсизланиши ва айланаш тезлигининг олдиндан мўлжалланган даражаларини ўз ичига олиши лозим.

Республикадаги иқтисодий ислохотлар тизимли тусда эканлиги, албатта, Марказ тадқиқотларига нисбатан мудайин талаб ва чеклашларни қўяди. Ўзбекистон иқтисодиётидаги мавжуд шарт-шароитни ҳисобга олиб, Марказий банк ИТМ республика молия тизимини шакллантиришга, пул-кредит сиёсатининг концептуал назарий ва иқтисодий асосларини ишлаб чиқишга йў-

налтирилган иқтисодий сиёсат соҳасидаги ҳақиқий воқелик талабларига мослашиб боради. Бундан ташқари, иқтисодий статистика халқаро андозаларга нисбатан ўтиш тусида эканлиги ҳамда иқтисодий ва статистик табиғати кўра бир хил сифатли кўпга маълумотлар йўқлиги иқтисодий жараёнларни катта аниқлик билан моделлаштириш ва олдиндан хомчўт қилиш имконини бермайдди.

Мавжуд аҳволни аниқ мақсад йўлида ўзгаришни кўзловчи иқтисодий сиёсат иқтисодиёт фанига таянмаслиги мумкин эмас. Агар иқтисодиёт фани объектив қонуниятларни аниқласа, иқтисодий сиёсат санъати уларни эътиборсиз қолдирмай, ана шу сабаб-оқибат алоқаларидан жамият учун манфаатли тарзда фойдаланишдан иборатдир. Башарти вақт ўтиши билан иқтисодий қонуниятлар ўз намоён бўлиш шакллари мотиҳати бутунлай ўзгача бўлиб кетгунча ўзгаришиб бора олар экан, демак вазиятдаги ҳар қандай ўзгаришни аниқлаш ва қўйилган пировард мақсаддан четга чиқиб кетмаслик учун иқтисодий сиёсат тадбирларини ўзгаришиб бориш ҳам зарур бўлиб қолаверади. Қабул қилинаётган қарорлар илмий асосланган бўлиши, фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижалари негизига қурилиши муҳимдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК

Иқтисодий тадқиқотлар Марказида ишлаш учун номзодлар танлови ўтказилади

Кўйидаги номзодларга алоҳида аҳамият берилди:

- олий иқтисодий ва молиявий маълумотга эга бўлганлар;
 - макро ҳамда микроиқтисод, пул назарияси, молия, кредит асослари бўйича билимга эга бўлганлар;
 - иқтисодий анализлар ва тадқиқотлар ўтказишга мойиллар;
 - давлат тили ва хорижий давлатлар тилини биладиларлар.
- Қабул маҳали номзодларнинг илмий даражаси, банк, давлат корхоналари, олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтларида иқтисод соҳасида ишлаб, тажриба орттирганликлари инобатга олинади.
- Маълумот учун 36-77-78 рақамли телефонга мурожаат қилинг.

Республикамизда Замин банки ташкил этиш тўғрисида кун-кеча қабул қилинган қарорда давримизнинг энг долзарб эҳтиёжларидан бири ўз ифодасини топди. Бундан чиқди, тегишли шарт-шароит тайёрланиши ва аввало ипотека кредити беришгагина эмас, гаров билан боғлиқ қонунларга, шунингдек умуман гаров муносабатларига тааллуқли ҳуқуқий ва иқтисодий меъёрлар ҳам ишлаб чиқилиши лозим. "БА" тахририяти ана шу масалаларга бағишланган материалларнинг бирини газетхонлар эътиборига ҳавола этапти.

Кулай инвестиция муҳитини яратишда алоҳида ўрин тутаётган, Ўзбекистон Республикаси учун янгилик бўлган, чет эллик инвесторлар фаолияти учун юридик кафолат бераётган, шунингдек шартнома мажбуриятлари реал ва тегишлича ижро этилиши манфаатларини ҳимоялаш имкониятини таъминлаётган ҳуқуқий институтлар (қонун-қонун қўриқчиси) орасида гаров институтини алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Юридик ва жисмоний шахслар мулкни гаровга қўйиб кредит ола бошлаганларига қарамай, гаров операциялари ҳали республикамизнинг ҳозирги оборотида унча кенг тарқалган йўқ. Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар иштирокида ҳам бундай битимлар кўплаб тузилапти, деб бўлмайди. Чунончи, шундай шартномаларни рўйхатга олиб бориш вазифаси юклатилган Ўзбекистон Рес-

ҳақни тўлаш тўғрисидаги талаб бунда муайян вақтдан кейин пайдо бўлади, бу талабни таъминлаш гарови тўғрисидаги шартнома эса ўша вақтдаёқ тузилади.

Албатта, бунда гап гаровга қўйвчи Ўзбекистон Республикаси Қонунларида кўра бошқа юридик шахсларга бериши ёки сотиши мумкин бўлган мулк ҳақидагина боради.

Энди мулкка бўлган ҳуқуқ масаласига тўхталадиган бўлсак, корхонага берилган тўла ҳўжалик тасарруфи ҳуқуқи унга агар қонунда ёки мулкдор томонидан шартномада (таъсис ҳужжатларида) бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, мулкдан худди мулкдордек фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва тасарруф этиш имконини беради. Демак, назарий жиҳатдан, корхона ҳар қандай мулкни, агар тегишли чеклашлар белгиланмаган бўлса, гаровга қўйиши мумкин.

"Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддаси, 2-бандининг иккинчи абзаци-

Оборотдаги товарлар ва қайта ишланаётган моллар ҳам гаровга олувчида қолдирилиши учун гаров предмети бўлиши мумкин. Бундай гаровнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг предмети қандайдир аниқ белгилаб қўйилган мулк, яъни гараж, автомашина ва шу кабилар эмас, балки муайян турдаги товарлар, масалан, дон, пахта, кўмир ва ҳоказолар (тур белгиларига кўра ажратиладиган товарлар) бўлади.

Гаровнинг моҳияти шундаки, муайян турдаги товарларнинг ҳаммаси ёки бир қисми токи улар гаровга қўйвчининг мулкни ёки тўла ҳўжалик тасарруфида бўлган вақтда гаровга қўйилган мулк ҳисобланади. Улар бошқа шахс мулкига айланиши (тўла ҳўжалик тасарруфига ўтиши) биланоқ гаров предмети бўлмай қолади. Лекин айтиш пайтда гаровга қўйвчининг мулкни бўлиб қолган шу турдаги товарларнинг ҳаммаси ёки бир қисми ўз-ўзидан гаров предметига айланади.

Бу турдаги гаров таҳлили шунки кўрсатмоқдаки, бундай ҳолларда "Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддаси бузилди. Бу моддада айтилишича, "Гаров предметига эгалик қилиш (тўла ҳўжалик тасарруфи ёки оператив бошқариш) ҳуқуқи учинчи шахсга ўтганда гаров ўз кучида қолади".

"Гаров тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига "ўз кучида қолади" деган сўзлардан кейин "агар қонунларда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса" деган жумла қўшилса, юқоридеги зиддият барта-раф этилади.

Гаровга қўйвчининг мулкига айланадиган ёки тўла ҳўжалик тасарруфига ўтадиган товар ўз-ўзи-

ниши мумкин. Албатта, гаровга олувчи муайян даражада таваккал қилади, чунки патентдан фойдаланиш ҳуқуқи умуман сотилмаслиги ва натижада ҳеч қандай пул тушмаслиги ҳам мумкин. Лекин бу - кредиторнинг ўзи ҳал этадиган масала. Асосийси эса, шундай гаров қўйилиши мумкинлигидир.

Гаровга олувчига тегишли ҳар қандай аниқ ҳуқуқлар, масалан, олди-сотди шартномасига кўра товарни харид нархида олиш ҳуқуқи, товарни тақсимлаш ҳужжатлари асосида товар олиш ҳуқуқи, акциялар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқи, ижара ҳақи олиш ҳуқуқи ва шу кабилар гаров предмети бўла олади.

Амалиётда ижара шартномасидан келиб чиқувчи ҳуқуқни гаровга қўйишга доир баъзи муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Агар бунда гап ижарага берувчининг ижара ҳақи олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисида бораётган бўлса, бундай гаров мумкинлиги тўғрисида ҳеч қандай савол туғилмайди.

Гап гаров предмети бўладиган ижарачи ҳуқуқлари тўғрисида борганда, муаммо келиб чиқди. "Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ "ижара шартномасида кўзда тутилган ҳоллардагина ижарачи ўз ижарачилик ҳуқуқини ижарага берувчидан розилик олмай туриб гаровга қўйиши мумкин. Агар шундай бўлса ва гаровга қўйвчи ижарачи гаров билан таъминланган ўз мажбуриятларини бажармаса, гаровга олувчи ижарадаги мулкни ўз тасарруфига олиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Лекин у буни қандай амалга оширади? Агар ижара шартномасида мулкни такрорий ижарага бериш таъқиқланган бўлса-ю уни гаровга қўйиш маън этилмаган бўлса, нима қилиш керак? Бундан чиқди, гаровга қўйиш орқали такрорий ижарага бериш тўғрисидаги тақиқни четлаб ўтиш мумкин экан-да?

"Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-48-моддаларига мувофиқ, ҳуқуқлар гаровга қўйилаётганда бошқа муаммолар ҳам келиб чиқади. Масалан, (48-модда) гаровга қўйвчи қонуннинг 47-модда 1-бандида кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса, гаровга олувчи гаровга қўйилган ҳуқуқ берилишини талаб қилишга ҳақли. Шундай мажбуриятлардан бири гаровга қўйилган ҳуқуқ қиймати камайишига олиб келувчи хатти-ҳаракатларни қилмасликдир. Қадимги Рим давриданок маълумки, ҳуқуқнинг ўзи ҳеч қандай қийматга эга эмас. Ана шу ҳуқуқдан фойдаланиш натижасида олинадиган мулкка қийматга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг гаровга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштираётганда ана шуларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Ўз-ўзидан маълумки, гаров билан таъминланган мажбурият бажариладиган муддат тугагунча ҳуқуқлар бир шахсдан бошқасига ўтиши мумкин. Шу муддат тугагундан кейин ҳуқуқ ана гаровга қўйвчига қайтади. Масалан, саноат мулкни саналган объектдан фойдаланишдан ташадиган маблағларни олиш ҳуқуқи ёки ижара ҳақини олиш ҳуқуқи гаровга олувчига ўтади. Гаровга олувчи олган тўловлар суммаси мажбуриятлар ижро этилишини таъминлайдиган даражага етиши биланоқ тегишли ҳуқуқ гаровга қўйвчига "қайтарилиши" зарур.

Ер хусусий мулк қилиб олинishi ҳуқуқининг тикланиши ер участкаси эгасига ернинг ўзини ва ундаги ўзига тегишли биналарни эркин тасарруф қилиш имконини беради.

Бундай кўчмас мулк эгаси жорий фаолият учун маблағ етмай қолган пайтда одатда айтиш шундай кўчмас мулкни гаровга қўйиб, кредит (қарз) олади.

Шуниси қизиқарлики, АҚШда тижорат банклари кўчмас мулкни гаровга олиб берадиган кредитлар 47,5 миллиард долларни ёки барча кредитларнинг 30,7 фоизини ташкил этади.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, кўчмас мулк эгаси, жумладан ер участкасининг эгаси кимлигидан қатъий назар, у хоҳ фуқаро, хоҳ фуқаролар гуруҳи, хоҳ юридик шахс, шу жумладан чет эллик шахс бўлсин, ўзининг ана шу мулкни гаровга қўйиб, кредит олиш ҳуқуқига эга.

Ер участкасини гаровга қўйиш мумкинлиги муносабати билан бир қанча саволлар туғилади. Хусусан, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- Ҳар қандай ер участкаси ҳам гаров предмети бўлиши мумкинми? Гаров шаклидан фойдаланиб кўчмас мулк юзасидан олиб-сотарлик битимлари тузилишига қандай қилиб йўл қўймаслик мумкин?

- Ердан (бошқа кўчмас мулкдан ҳам) фойдаланиш самарадорлиги гаров битимлари тузилиши натижасида пасайиб кетмаслигига қандай эришиш мумкин?

Биринчи саволга жавоб берар эканмиз, республика Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 11 апрелда қабул қилган "Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусий мулк қилиб сотиш ва ер участкаларини умрбод фойдаланиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан бериш тартиби тўғрисида"ги N126 қарорга мурожаат қилишимиз керак бўлади. Бу қарорнинг "хусусий мулк қилиб берилмайдиган ҳамда умрбод фойдаланиб, мерос қолдириш учун аукционларда со-

Давоми 6-бетда

Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтининг ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИДА МУЛҚДОРЛИК ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИ ВА ГАРОВГА ДОИР ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР МАСАЛАЛАРИ

Леонид ХВАН,

каси Адлия вазирлигида 1995 йил апрель ойига чегарасида компаниялари иштирокидаги туртга битим рўйхатга олинган. Чамаси, гаров тўғрисидаги амалдаги Республика қонунлари ҳақида маълумот йўқлиги, маҳаллий шериклар гаров институтини кредитор олдидаги мажбуриятлар бажарилишининг асосий кафолати деб ҳисобламаётгани (ҳолбуки, чет эллик инвесторлар асосан ана шунга эътибор берадилар), шунингдек шартнома муносабатлари амалиётда уни қўллаш тажрибаси йўқлиги ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бироқ республиканинг гаровга доир қонунларини умумий баҳолаш унинг меъёрларини қўллаш соҳаси фақат оддий ломбард операциялари билан чекланиб қолмасдан, анча кенгайишини, чунончи бунга республика Фуқаролик кодекси қабул қилиниши туртки бўлишини тахмин этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ишлаб чиқилиши мавжуд ҳуқуқий фазони янада мукаммаллаштиради. Ҳолбуки бу кодекс мундарижаси шахсий ҳуқуқ аъналарини ривожлантаётганидан далолат бермоқда.

Гаров - тарихан мулк билан бир вақтда пайдо бўлган энг қўнға фуқаролик-ҳуқуқий институтдир. Гаров, албатта, Рим ҳуқуқи қридаларида энг ривожланган шаклга кирди. Бунда гаров амалиётининг тараққий этиш тамойили секин-аста ривожланиб, илгари қарз ўз вақтида тўланмаган тақдирда кредитор гаровга қўйилган "буюмни ўзига қолдириш" ҳуқуқини олган бўлса, кейинчалик гаровни сотиб, тушган пул ҳисобидан қарз ўринини қоплаши мумкин бўлди. Бу ҳол сезиларли даражада илгари силжиш демакдир.

Биз учун амалий жиҳатдан энг муҳим бир савол бор:

- қандай мулк (ҳуқуқ, талаб) гаров предмети бўлиши мумкин?

"Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-модда, 1-бандида бу саволга қуйидагича жавоб берилган: "... юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкни бўлган буюмлар, қимматли қозғолар, пул маблағлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ва улар жойлашган ер участкалари, бошқа мулк ва мулквий ҳуқуқлар".

"Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни таҳлили гаров предмети қуйидагича таснифлаш имконини беради:

I. Хусусий ҳисобланган (тўла ҳўжалик тасарруфида, оператив бошқарувда бўлган) мулк (ҳуқуқлар, талаблар).

II. Кейинчалик гаровга қўйвчи ихтиёрига (ёки тўла ҳўжалик тасарруфига) ўтадиган мулк (ҳуқуқлар, талаблар). Агар томонлар шундай талабларни гаров билан таъминлаш миқдори тўғрисида келишиб олсалар, кейинчалик пайдо бўладиган талабларга доир гаровни ҳам шунга қўйиш тўғри бўлади. ("Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-модда, 2-банди). Масалан, мулкни сотиб олиш-сотиб тўғрисида шартнома тузилаётганда шартнома предмети харидорга дарҳол берилиши, унинг ҳақи эса кейинроқ тўланиши кўзда тутилиши мумкин, яъни

да шундай чеклашлардан бири тўғридан-тўғри кўрсатилган:

"Мулк тўла ҳўжалик тасарруфи ҳуқуқи асосида бириктирилган корхона мулк комплекси сифатида умуман корхонани унинг таркибий бирликлари ва бўлинмаларини, шунингдек алоҳида бино ва иншоотларни гаровга қўяди. Бунинг учун у шу мулк эгасининг ёки у ваколат берган органнинг розилигини олиши зарур.". Шу Қонуннинг 43-моддаси, 1-бандида ҳам корхонани гаровга қўйиш (ипотека) учун мулкдорнинг розилиги керак экани аниқ-тиниқ айтилган.

Гаров предмети бўла оладиган, мулкдорлик ҳуқуқи объекти сифатидаги "корхона" хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Агар ягона мулк комплекси сифатидаги бутун бир корхона ипотека предмети бўлса, у ҳолда корхонага мулкдорлик ҳуқуқи ёки тўла ҳўжалик тасарруфи ҳуқуқига кўра юридик шахс сифатида тегишли моддий ва номоддий активлар, шу жумладан бинолар, иншоотлар, машина-ускуналар, анжомлар, хом ашё, тайёр маҳсулот, талаб ҳуқуқи, патентлар ва бошқа алоҳида ҳуқуқлар, шунингдек корхонанинг қарзлари гаровга қўйилган мулк таркибига киради.

Корхона олган даромад, у сотиб олган мулк, гаровга қўйвчи яхшилаган корхона мулкни, шунингдек корхона ипотека даврида олган қарзлар ҳам гаровга қўйилган мулк таркибига киради.

Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-модда 3-бандида қуйидагилар таъкидланган:

"агар қонунда ёки шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, корхона ипотекасининг барча мулкига, жумладан асосий фондларига, оборотдаги маблағларига, шунингдек корхона балансида акс этган бошқа бойликларига тааллуқли бўлади".

Кўриниб турибдики, мулкнинг комплекс сифатида гаровга қўйилаётган корхона қарзлари тўғрисида бу ерда ҳеч нарса айтилмаган. Буни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лойиҳасининг тегишли моддасида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган ёки тугатиш ёхуд қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинган корхоналарни гаровга қўйиш (ипотека) мумкин эмас.

Россия Федерацияси Шахсий ҳуқуқ тадқиқот маркази ишлаб чиққан "Кўчмас мулкни гаровга қўйишнинг асосий қондалари"да бизнинг қонунларимизга ва хусусан Фуқаролик кодекси лойиҳасига киритиш мумкин бўлган қизиқарли модда бор.

Ушбу Қондаларнинг 77-бандида кўзда тутилишича, корхона ипотекаси ипотека шартномаси тузилганидан сўнг камида бир йилдан кейин ижро этилиши керак бўлган пул мажбуриятини таъминлайди. Шартномада корхона ипотекаси ижро муддати камроқ бўлган пул мажбуриятини таъминлаш кўзда тутилган ҳолларда ипотека шартномаси тузилган пайтдан бошлаб бир йил ўтгач, гаровга олувчи фойдаланилмаган мажбурият бўйича ипотека предмети ҳисобидан қарзни ундириб олиш ҳуқуқига эгадир.

Ипотекага берилган корхона гаровга олувчининг розилигисиз қайта ташкил этилиши мумкин эмас (80-банд 2-абзац).

дан гаров предмети бўлиб қолиши ҳисобга олинса, гаровга олувчи юқоридеги ҳуқуқлар қачондан бошлаб гаровга қўйвчига ўтишини билиши муҳимдир. Эеро мулкдорлик (тўла ҳўжалик тасарруфи) ҳуқуқи товар харидорнинг омборига тушган ёки товарни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган вақтдангина эмас, қўп ҳолларда илгарироқ ҳам, масалан юк жўнатилган, уни ташувчига топширилган, йўлдаги товарларнинг тасарруф ҳужжатлари берилган вақтдан бошлаб ҳам бошқа шахсга ўтиши мумкин.

"Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-модда 3-бандида ва 46-модда 1-бандида таъкидланишича, "Гаровга қўйвчига тегишли бўлган эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари, шу жумладан ижарачилик ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлардан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқлар (талаблар) ва бошқа мулквий ҳуқуқлар гаров предмети бўлиши мумкин".

Бундай гаров шунки билдирадики, гаров билан таъминланган мажбуриятларни бажариш муддати келганда гаровга қўйвчи гаровга қўйган ҳуқуқ ижро этилиши муносабати билан унинг ҳисобига ўтадиган мулк қийматидан биринчи навбатда гаровга олувчининг талаблари қондирилиши лозим. Агар тадбиркор саноат мулкни бўлган объект учун бирон бир муҳофаза ҳужжатига эга бўлса ва унинг асосида бошқа тадбиркор билан шу объектдан фойдаланиш ҳуқуқи учун шартнома тузган бўлса, бундай ҳолларда у ана шу саноат мулкни объектидан фойдаланганлик учун пул олиш тўғрисида мазкур шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқни кредит муассасасида гаровга қўйиши мумкин.

Ақлий мулкка доир бошқа объектларга тегишли ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ талаблардан ҳам шу тариха фойдаланиш мумкин. Бунда ақлий мулк деганда мулквий муаллифлик ҳуқуқи (шунчаки "муаллифлик ҳуқуқи" эмас), "ноу-хау", товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари назарда тутилмоқда.

Узоқ муддатли кредитлар берилаётганда мулквий муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, "ноу-хау" банклар учун жуда қўлай гаров шакли ҳисобланади, чунки улар ўзоқ вақт амал қилиши ва қўлланиши соҳаси доимий кенгайиб бориши туфайли инфляцияга учрамайди.

Саноат (ақлий) мулкни учун ҳуқуқни амалга оширишдан келиб чиқувчи аниқ мажбурият бор ҳолларда ҳам гаровга қўйиш мумкин бўлади.

Гаров фақат шундай ҳоллардагина қўлланилмайди. Ҳуқуқнинг ўзи, масалан, патент, муаллифнинг муаллифлик гувоҳномаси ёки мулквий ҳуқуқи ҳам гаров предмети бўла олади. "Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 46-моддасида фақат гаровга қўйвчи ўзидан қарздор шахсни ўз ҳуқуқлари гаровга қўйилгани тўғрисида хабардор қилиши кераклиги ва агар шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, гаровга қўйвчидан қарздор шахс гаровга олувчининг мажбуриятларини бажариши лозимлигига талаб қилинган. Ақлий мулк объектлари, уларни сотиш даражасидан қатъий назар, гаровга қўйилиши мумкин. Масалан, патент эгаси уни гаровга қўйиши ва бундан тушган ҳар қанча маблағ гаровга олувчи олдидаги мажбуриятларни бажаришга сарфла-

тилмайдиган ерлар рўйхати" деган 4-иловаси тахлили гаровга қандай ерлар қўйилиши мумкин эмаслигини аниқ айтиш имконини беради. Булар:

1. Шаҳар ва қишлоқлардаги умумий фойдаланишдаги ерлар (майдонлар, кўчалар, торкўчалар, йўллар, анҳор бўйлари, боғлар, ҳиббонлар, сувни муҳофаза этиш зоналари, пляжлар ва бошқалар);
 2. Табиат ёдгорликларининг ерлари ва наботот боғлари;
 3. Соғломлаштириш ва тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган ерлар;
 4. Ер остидан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш учун берилган ерлар;
 5. Хавфли моддалар билан заҳарланган ва биоген заҳарланишга дучор бўлиб турадиган ерлар;
 6. Шаҳарларни ривожлантириш бош режаларида, батафсил режалаш лойиҳаларида ва объектларни жойлаштириш схемаларида кўзда тутилган ерлар (савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари жойлашадиган ерлар бундан мустасно);
 7. Магистрал йўлларга ёндош ерлар;
 8. Электр симлари, кабел тармоқлари ўтган ва электр тақсимлаш станциялари жойлашган, иссиқлик, сув ва канализация трассалари ҳамда газ қувурлари, умумдавлат алоқа тармоқлари ўтказилган ва уларнинг иншоотлари, сув хўжалиги иншоотлари учун ажратилган ерлар.
- Ҳукуматнинг бу қарориди давлат ўрмон фон-

қилишга ҳақли:

гаров билан таъминланган талаб мuddатидан олдин ижро этилиши; ипотека мuddатидан олдин тўхтатилиши оқибатида қўрилган зарар ўрни қопланиши.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси жамоасининг аъзолари ерга умумий эгаллик қиладиган ҳолларда ипотека фуқарога фақат унинг умумий мулкдаги улуши бўлган ер участкаси учунгина белгиланиши мумкин.

Тегишли тоифадаги ерларнинг ҳажмига мустақил участка сифатида фойдаланиб бўлмайдиган қисми гаровга қўйилиши мумкин эмас. Гаровга қўйилаётган ер участкасида турга ёки қуриладиган ҳамда гаров қўювчига тегишли бўлган бинолар ва иншоотлар битта ҳужжат (гаров шартномаси) асосида ер участкаси билан бирга гаровга қўйилиши мумкин.

Гаров қўювчига эмас, балки бошқа шахсга тегишли бино ёки иншоотлар жойлашган ер участкаси учун ипотека белгиланган бўлса, гаровга олувчи қарзни шу участка ҳисобидан ундириб ва уни савдога қўйиб сотиши чоғида гаровга қўювчи ана шу шахсга нисбатан олган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ер участкаси харидорига ўтади.

Кўчмас мулкни, шу жумладан ер участкаларини гаровга қўйиш билан боғлиқ қонунлар шарҳини тургалар эканми, "Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" 1994 йил 5 майда чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига эътиборни қаратамиз.

Моддада таъкидланишича, корхонанинг бино-

Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг иловасида берилган);

3. Гаров тури билан ҳамда мажбурият шундай таъминланиши қўлланилишини талаб қиладиган муносабатлар туси билан боғлиқ чеклашлар;

4. Қонун чиқарувчи орган шахсий тусдаги ҳуқуқ (талаб)лар гаровга қўйилишини ман этиши билан боғлиқ чеклашлар. Масалан, бошқа шахсга бериш қонун билан тақиқланган алиментлар тўғрисидаги, ҳаёт ёки саломатлик учун etkazилган зарар ўрнини қоплаш ҳақидаги талаблар;

5. Мулк характери билан боғлиқ чеклашлар (масалан, умумий муштарак мулк "Гаров тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, барча мулкдорларнинг розилиги билангина гаровга қўйилиши мумкин).

Юқорида айтилган чеклашларнинг бир қанчасига изоҳ беришнинг ҳолати йўқлигини ҳисобга олиб, уларнинг баъзиларининг батафсил кўриб чиқамиз.

2-бандда кўрсатилган чеклашлар хусусида. "Гаров тўғрисида"ги қонун 4-моддасининг 4-бандида бундай дейилган:

"Тарихий, маданий ёки бошқа бирор қимматга эгаллиги туфайли ёхуд давлат хавфсизлигини кўзлаб гаровга қўйиш мумкин бўлмаган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади".

Шу муносабат билан таъкидлаб ўтмоқчимизки, бу хусусда ҳукумат бирон-бир махсус қарор чиқармаган. Лекин Вазирлар Маҳкамаси "Гаров шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғриси-

- сотиш имкониятлари божхона органлари томонидан чеклаб қўйилган товарлар ва транспорт воситалари;

- оборотдаги ва қайта ишлаш жараёнидаги товарлар ҳамда транспорт воситалари (божхона тартибда қайта ишлашга қўйилган товарлар ва транспорт воситалари бундан мустасно);

- тез бузиладиган товарлар;

- турган жойини ва қандай фойдаланилаётганини муайян божхона органи доимий назорат қила олмайдиган буюмлар;

- Россия Федерацияси Президентининг 1992 йил 22 февралдаги N179 Фармонида мувофиқ эркин сотилиши тақиқлаб қўйилган маъмул ва ишлаб чиқариш чикиндилари.

Фуқароларга хизмат кўрсатувчи ҳаво, денгиз ва дарё кемалари, темир йўл составлари божхона органлари олдидаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун бошқа имконият бўлмаган истисноли ҳоллардагина ва фақат Россия Давлат божхона қўмитасининг розилиги билан гаров предмети сифатида қабул қилиниши мумкин.

Россия Федерацияси божхона чегарасидан ўтадиган, бошқа давлатлар органларининг сертификацияси ва назоратига тегишли товарлар ҳамда транспорт воситалари сертификати бўлган ёки ветеринария, фитосанитария, экология ҳамда давлат назоратининг бошқа турларидан ўтказилган тақдирдагина гаров предмети бўлиши мумкин.

Шу тарихи идоравий қонун ҳужжатлари, махсус фаолият амалиётидан келиб чиқиб, Россия Федерациясининг "Гаров тўғрисида"ги Қонуни 6-моддасига мувофиқ гаров битимлари предмети бўла оладиган мулк объектлари доирасини чеклаб қўйди (фикримизча бу сунъий равишда қилинган).

Яна бир мисол:

Россия Федерацияси Ҳукумати Вазирлар Кенгаши Раиси муовинининг 1993 йил 22 декабрдаги Фармойиши билан маъқулланган N96-рз "Кўчмас мулкни гаровга қўйиш - ипотека тўғрисидаги асосий қоидалар"нинг (Шахсий ҳуқуқ тадқиқот маркази ишлаб чиққан) 63, 74-77, 84-бандларида хусусан, қишлоқ хўжалиги ерлари таркибидagi ер участкалари ипотекасига фақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини амалга ошириш ёки ривожлантириш билан боғлиқ кредит шартномалари ижросини таъминлаш учун йўл қўйилиши кўзда тутилган.

Турар жой (квартира)ни куриш, қайта куриш ёки капитал таъмирдан чиқариш учун берилган қарз узилишини таъминлаш мақсадида ана шу уй (квартира) гаровга қўйилиши мумкин. Уй эгаси ва унинг оила аъзолари бошқа уйда (квартирада) яшаса ва бу ерда белгиланган меъёрлар даражасида етарли турар жой майдонига эга бўлса ҳам уларга тегишли бўлган ва ўзлари яшамайдиган уй (квартира) ипотека предмети бўла олади.

Гаровга доир бизнинг қонун ҳужжатларимиз ривожини ҳам мажбуриятлар таъминоти сифатида фойдаланиш мумкин бўлган мулкчилик объектларини табақалаштириш ҳақида гапириш имконини беради.

Чунинчи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 27 декабрдаги "Тошуйжойинвестиқурилиш" Тошкент молия-қурилиш корпорациясининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарориди чет эл инвестицияларини жалб этиш таъминланиши учун гаров бўла оладиган объектлар рўйхатини тасдиқлаш кўзда тутилган. Яъни, биринчидан, гаров - "чет эл инвестициялари" қўлланилиши мумкин бўлган муносабатлар соҳаси меъёран ажратилади, иккинчидан, бундай ҳолатда ҳамма объектлар эмас, балки шу рўйхатга қўшилидиган объектларгина гаров предмети бўлиши белгилаб қўйилади (фикримизча, у чекловчи рўйхат ҳисобланishi мумкин).

Бизнингча, бундай чеклашлар камайтирилиши ёки муваққат тусда бўлиши лозим.

Айни пайтда қонун ҳужжатларида бир-биридан ажратиб бўлмайдиган буюмларни гаровга қўйиш хусусида чеклашлар белгиланиши керак. Яъни кўчмас мулк бўлган ер участкасининг ажралмас қисми ҳисобланувчи кўприк, қўлни алоҳида-алоҳида гаровга қўйиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини лойиҳасига қўйидаги моддани киритиш мақсадга мувофиқ бўлади: "ажратиб бошқа шахсга берилиши (қонунга кўра), алоҳида гаровга қўйилиши мумкин бўлмаган буюмлар (ёки ҳуқуқлар)".

Хусусий тусдаги чеклашларни киритиш ҳам тўғри бўлади. Масалан, Россия Федерациясида пулли мажбурият суммаси корхона активлари қийматининг ярмидан кўпини ташкил этса, бу корхона гаровга олиниши тавсия этилмайди ("Кўчмас мулкни гаровга қўйиш - ипотека тўғрисида асосий қоидалар" 76-банд).

Бу қоида ни бизнинг гаров тўғрисидаги қонунимизга ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатда гаров объекти етарлиги қоида-сига амал қилинади. Бунда гаров предмети киймати, масалан, банк бераётган кредит суммасидан хамиша юқори бўлади. АҚШда бу тафовут (маржа) ҳатто қонун йўли билан белгиланади ва у ерда гаровга қўйилган бойликлар ҳажми доимо қарз ёки кредит суммасидан камида 20 % кўп бўлиши талаб қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИДА МУЛҚДОРЛИК ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИ ВА ГАРОВГА ДОИР ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР МАСАЛАЛАРИ

ди, давлат сув фонди ерлари ҳақида айтилмаган. Шақ-шубҳасиз улар ҳам хусусий мулк қилиб берилиши, демак гаров предмети бўлиши мумкин эмас. Бироқ айни пайтда бундай ерларни юқорида келтирилган рўйхатга қўйиш тўғри бўлади.

Иккинчи ва учинчи саволларга келсак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига қўйидаги моддани қўйиш билан жавоб берилиши мумкин:

"Агар гаров ҳужжатида ушбу ҳужжатда кўзда тутилган мақсад гаровни барпо этиш эканлиги айтилмаган ёки ҳужжатда шундай мақсад кўзда тутилмаган бўлса, гаров ҳақиқий ҳисобланмайди".

Шундан кейин кўчмас мулк ва улар юзасидан тузиладиган барча битимлар ҳисобини юритиш учун махсус қоидалар белгилаш лозим. Бунда гап барча битимларни нотариус тасдиғидан ўтказиш ҳақидагина эмас, айни пайтда ер қадастри, "ер дафтари" тизимини яратиш тўғрисида борапти.

Маълумки, кўчмас мулк - ер участкаси, бино, иншоот бўлиб, улар ер билан шундай узвий ва мустаҳкам алоқадаки, улар бир-биридан ажратилиши мумкин эмас. Бу бутун бир бино ҳам, унинг бир қисми (квартира) ҳам бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан 1994 йил 23 сентябрда "Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига киритилган қўшимчани ортқича деб ҳисоблаш мумкин. Чунки, шу қонуннинг "Ипотека предмети" деб номланган 36-моддасида ер билан боғлиқ мулк ипотека предмети бўлиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Ипотека предмети текинга берилиши ёки сотилиши натижасида унга эгаллик қилиш (тўла хўжалик тасарруфи) ҳуқуқи гаровга қўювчидан бошқа шахсга ўтган ҳолларда ипотека мулкни сотиб олувчи учун ўз қучини сақлаб қолади. Ипотека предметиға эгаллик қилиш ҳуқуқини олган шахс дастлабки гаровга қўювчининг ўрнини эгаллайди ва ипотека шартномасига доир унинг барча мажбурият (ҳуқуқ)ларини, шу жумладан у тегишлича бажарган мажбурият (ҳуқуқ)ларини олади (агар гаровга олувчи билан тузилган битимда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса).

Универсал ҳуқуқий ворислик юзага келган (яъни юридик шахс-гаров қўювчи мерос бўлиб қолган ёки қайта ташкил этилган (ўзгартирилган) ҳолларда ипотека предметиға эгаллик қилиш (тўла хўжалик тасарруфи) ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганда ипотека бундай ҳуқуқий ворис учун ўз қучини сақлаб қолади.

Ипотека предмети ўзгартирилган ҳолларда ипотека дастлабки ипотека предмети ўрниға тақдим этилган мулкка ўтади.

Ипотека предмети давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун бошқа мулк билан алмаштирилмасдан олиб қўйилган (сотиб олинган) ҳолларда гаровга олувчи унга тўланиши керак бўлган товон суммаси ҳисобидан ўз талабларини биринчи навбатда қондириш ҳуқуқини олади. Агар содир этилган жиноят ёки бошқа тартиббузарлик учун жазо сифатида қонунда кўзда тутилган асосларға кўра, суд органларининг қарорига мувофиқ ипотека предмети гаровга олувчидан тортиб олинса ва унинг мулкдорига ёки қонуний эгасига берилса, ипотека тўхтатилади. Бундай ҳолларда гаровга олувчи қуйидагиларни талаб

лар ва бошқа иншоотларға доир мулклий ҳуқуқлари кредит таъминоти бўлиши мумкин, лекин "ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларға эгаллик қилиш ҳуқуқи бундан мустасно".

Қонун чиқарувчи органлар ана шу моддаға тегишли тузатишлар киритса, тўғри бўлур эди.

Гаров ҳақиқий бўлиши лозим. У гаровға қўйилган мулк гаровға олувчига ёки унинг ҳисобидан шу мулкни сақлаб турадиган учинчи шахсға амалда берилсагина ҳақиқий ҳисобланади.

Айни пайтда гаров шартномаси тузилганидан кейин гаров олувчи сотиб оладиган мулк шундай шартноманинг предмети бўлган ҳолларда қонун чиқарувчи орган гаровни ҳақиқий деб топади.

"Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси, 2-бандида таъкидланишича "гаров ҳуқуқи шартномаға кўра кейинчалик гаровға олувчининг мулкни бўлиб қоладиган (унинг тўла хўжалик тасарруфиға ёки оператив бошқарувиға ўтадиган) мулкка даҳддор бўлиши мумкин".

Фикримизча, модданинг қамрови буюмлар билан чекланиб қолмасдан, мулклий тусдаги ҳуқуқларға ҳам тааллуқли бўлиши керак. Бу хулоса шу модданинг гаров предмети (гаров қамраб оладиган соҳа) тўғрисидаги 1-бандидан мангидан келиб чиқади.

Юқорида айтилганларға қисман яқун ясаб, баъзи таклифларни билдирмоқчимиз.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексини лойиҳасининг "Гаров предмети" деган моддаси қуйидаги шаклда берилиши керак:

"Хусусий мулк объекти ҳисобласа бўладиган ҳар қандай турдаги мулк, жумладан кўчмас мулк ёки буюмлар, ҳуқуқлар, жумладан гаровға олувчининг гаров берувчидан қарзлари гаров предмети бўла олади".

Оммавий мулк объектларига келганда, улар қоида тариқасида фуқаролик оборотида бўла олмайди ёки фақат чекланган даражада оборотда бўлиши мумкин.

Кейинги ҳолатда оммавий мулк объектларини гаровға қўйиш ҳуқуқини амалға ошириш қонунда белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши лозим.

Қуйидаги модда умумий қоида бўлиши мумкин:

- томонларнинг бири мулкдор бўлса, (гаровға берилаётган мулкка нисбатан тўла хўжалик тасарруфи ҳуқуқиға ёки оператив бошқариш ҳуқуқиға эга бўлса), гаровға доир ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларига ўзаро муносабатларни, ўз қарзларини белгилашдагина эмас, айни пайтда шу қарзларни таъминлаш учун тақлиф этилаётган буюмлар (ҳуқуқлар)ни аниқлашда ҳам мумкин қадар эркинлик берилиши лозим. Булар аниқ тарзда ёки умумий кўринишда белгилаб олиниши, кейинчалик вужудға келиши ёки битим тузилаётган пайтда мавжуд бўлиши, шунингдек тегишли йўсинда гаров мuddати мобайнида ўзгариб бориши мумкин ва ҳоказо.

Республика қонун ҳужжатларидаги у ёки бу мулкдан гаров объекти сифатида фойдаланишға доир чеклашларға келсак, уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Фуқаролик оборотидан чиқарилган мулкчилик объектлари рўйхати билан боғлиқ чеклашлар;
2. Ҳуқуқ меъёрларига биноан гаровға қўйилиши мумкин бўлмаган мулк объектлари мавжудлиги билан боғлиқ чеклашлар. Хусусан, фуқароларнинг қарз ҳисобига сотиб пул ундирилиши мумкин бўлмаган мулк (бундай мулклар рўйхати Ўзбекистон

даги муваққат низомни тасдиқлаш ҳақида" 1994 йил 1 февралда чиқарган N50 қарорнинг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда қабул қилган N613-XII қарорнинг N1, 2, 3-иловаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси 1-иловасида кўрсатилган ижро ҳужжатлари бўйича қарз ҳисобига сотилиб пул ундирилиши мумкин бўлмаган фуқаролар мулклари рўйхатиға ҳавола бор.

Булар қандай рўйхатлар? Гап юқорида айтилган қарорнинг учта иловаси ҳақида бораепти. Уларға мувофиқ қуйидагилар мавжуд:

- давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилиши, сотиб олиниши ва ижараға берилиши мумкин бўлмаган корхоналар ва мулк турлари ҳамда гуруҳлари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин бўлган объектлар ва корхоналар;

- ижараға берилиши чеклаб қўйилган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва мулк.

Мулкнинг бу турлари гаровға берилиши учун қимдан розилик олиниши кераклигини, бундай мулкни гаровға бериш тартиби қандайлигини ва бошқаларни олдиндан белгилаб қўйиш мақсадға мувофиқ бўлур эди.

Бошқа рўйхат ҳам бор. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 28 февралда республикадаги барча банкларға юборган N23-94 хатида кредитлар (қарз) берилаётганда гаровға олиниши мумкин бўлмаган мулк турларининг рўйхатини берган.

Лекин бу рўйхатларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тасдиқлаган юқоридаги рўйхатлардан тўла нусха кўчирилган.

3-бандда келтирилган чеклашларға тўхталадиган бўлсак, Россия Федерациясининг ҳам, Ўзбекистон Республикасининг ҳам амалдаги қонунларини таҳлил қилиш натижасида шу хулосаға келдик.

Масалан, Россия Федерациясида божхона органлари амалиётида гаровға доир ҳуқуқий муносабатлар Россия Давлат божхона қўмитасининг 1993 йил 7 октябрдаги N387 бўйруғи билан тасдиқланган "Божхона органлари гаровдан фойдаланиши тўғрисида"ги низом билан тартибға солинади. Бу Низомға мувофиқ товарлар, жумладан валюта, валюта бойликлари, қимматли қозғолар, шунингдек автотранспорт воситалари гаров предмети бўлиши мумкин.

Айни пайтда божхона органлари қуйидагиларни гаров предмети сифатида қабул қилмайдилар:

- электр, иссиқлик энергияси ва унинг бошқа турлари;

- корхоналар, бинолар, иншоотлар, ер участкалари, космик объектлар;

- бошқа мажбуриятни таъминлаш учун гаровға қўйиб бўлинган мулк ёхуд учинчи шахслар фойдасига аввалги мажбуриятлар билан боғланган мулк;

- мулклий ҳуқуқлар;

- Россия Федерациясиға олиб кириш ва ундан олиб кетиш тақиқланган товарлар ва транспорт воситалари;

- Россия Федерацияси ҳудудидан ташқаридаги мулк;

СТАНДАРТИЗАЦИЯЛАШ, СЕРТИФИКАЦИЯЛАШ

БАНК ИШИДА СТАТИСТИК УСУЛЛАР

Хар куни банкка турли манбалардан пул маблағлари келиб туради (банк берган кредит қайтарилади ёки унинг учун ҳақ тўланади, янги омонатлар қўйилади, ҳисобга олинган векселларнинг ҳақи тўланади, банк ихтиёридаги қимматли қоғозлар бўйича даромад олинади ва ҳоказо) ҳамда ҳар куни банкдан пул маблағлари сўраб олинади. (Омонатчилар ҳисоб варақларидаги маблағларини оладилар, векселлар ҳисобга олинади, қимматли қоғозлар харид қилинади, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинади ва ҳ.к.). Банк орқали ўтадиган пул оқимининг бир қисми шартномаларда ёзиб қўйилган бўлиб, тўлов суммаси ва муддати қайд этилган, шунинг учун ҳам юксак даражада ишонч билан олдиндан банк режаларида кўзда тутилган ва ҳисобга олинган бўлиши мумкин. Пул оқимининг бошқа қисми тасодифий хусусиятга эга бўлиб, эҳтимоллик назарияси ва математика статистикаси тилидаги таърифлашни мумкин. Одатда тасодиф ҳолатлар турли йўналишда бўлиб, қисман тўловларнинг муқобил оқимлари бир-бирларини қоплайди ва ўрта ҳисобдагина (катта рақамлар қонуни орқали) банк молиявий аҳволида таъминланади. Банкнинг кундалик ишида асосан кун бўйи тўловлар ва тушумлар оператив тарзда ҳисобга олинади ва эртанги кунга ўтказиб тузилади. Банк ишида нақд пул қасса қолдиқлари таҳлили ва уларни тўлдирish тўғрисидаги (бундай ечимлар ҳақиқий талабни қондириш учун етарли бўлмаса) ёки яқин вақт ичида, қутилганидек, талаб қилинмайдиган қисмидан оқилана фойдаланиш ҳақидаги мақбул ечимларнинг қабул қилиниши - муҳим масаладир. Бу каби масалаларнинг ҳал этилиши учун статистика таҳлили ва истиқболли, эҳтимоллик назарияси, мақбул ечимларни қабул қилиш услублари қўлланилади.

Банклар компьютер техникаси билан яхши жиҳозланганлиги уларнинг қўлланилишини анча енгиллаштиради.

Ғарбдаги банклар бир неча ўн йил аввал электрон ҳисоблаш техникасига зўр қизиқиш билан қараганликларини таъкидлаш зарур. Компьютерлар барча кундалик амалларнинг бажарилиши, миқдорларга хизмат кўрсатиш суръати ва сифатини анча яхшилаш, ниҳоятда хилма-хил савдо-саноат ва иқтисодий ахборотли маълумотлар базасини тўплаш, жаҳон тармоқларига чиқиш имконини берди. Ҳозирги вақтда банклар деярли барча молна ва савдо-саноат доиралари билан, ва албатта, ўзининг барча миқдорлари билан бевосита боғланган.

Лекин банк тажрибасида статистика усулларини қўллаш ишлари бир мунча мураккаброқ. Ечимларни олдиндан билиш ва ишлаб чиқиш усуллари, шунингдек дастлабки ахборотнинг ўзида ҳам кўпинча тижорат сири бўлади. Шунинг учун ҳам алгоритмлар ва бу турдаги компьютер дастурлари кўп ҳолларда яхши тарқатилмайди. Бунинг устига статистика усулларини ҳамда улар ёрдамида ҳисобланадиган хусусиятларни чуқур тушуниш зарур. Шу муносабат билан банклар обрўли таҳлилчиларнинг хизматларидан тез-тез фойдаланиб, ўз таҳлилий хизматларини яратадилар ёки консалтинг фирмаларига мурожаат қиладилар. "Молиявий математик" касби Ғарбда энг нуфузли касблардан бири ҳисобланишини таъкидлаш зарур. Уларнинг маоши ниҳоятда юқори эканлиги бунга тасдиқлайди.

Банк ўз заҳира маблағларининг маълум қисмига қимматли қоғозлар сотиб олиб қўйиш мумкин. Бундай ҳолда қимматли қоғозлар мажмуи устидан кузатиб бориш ва унинг таркиби мақбуллаштириш вазифасини ҳал этишга тўғри келади.

Қимматли қоғозлар мажмуининг таркиби деганда ундаги турли хил қимматли қоғозлар қийматларининг нисбати тушунилади. Кўпинча қимматли қоғозлар таркибини мақбуллаштириш мақ-

садларидан бири жами қимматли қоғозлар мажмуининг қиймати энг кам даражада ўзгариб боришига, унинг айрим қимматли қоғозлар курслари ҳаракатидан нисбий мустақиллигига эришишдан иборат бўлади. Мажмуа эгасининг таваккал қилиш даражаси унинг қиймати муайян (танлаб олинган) даврда қиймат ўртача белгисидан меъерий оғиши билан ўлчанади. Мажмуи таркибини мақбуллаштириш бозорда тасодифий тебранишдан, қимматли қоғозларга солинган капитални кўплаб йўқотишдан сугурта қилувчи усуллардан бири, дейиш мумкин.

Маълумки, бозор стихияси таъсир қилмайдиган даромадли қимматли қоғозлар ҳам мавжуд албатта, (масалан, АҚШ фонд бозорининг таҳлилчилари ана шу мақсадларда 30 кунлик ҳазина векселлари - 30 day US Treasury bill дан тез-тез фойдаланиб турадилар) бироқ улардан олинмайдиган даромад юқори бўлмайди. Вазифа сотиб олинган қимматли қоғозларнинг белгиланган даромадларидан юқори қўшимча даромад олишдан иборатдир. Бироқ бу ҳолда таваккал қилишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам мажмуа таркибини мақбуллаштириш мақсадида қимматли қоғозлардан даромад олишдаги таваккалчиликни маълум даражада камайтириш лозим. Бу вазифа статистика ва мақбуллаштириш усуллари билан ҳал этилади. Бунда дисперсия ва корреляция таҳлилинини ўтказиш, чиқиқли тенгламалар системасини ечиш талаб этилади. Айрим банклар пенсия фондларининг қимматли қоғозлари мажмуини бошқаришдаги ҳисобга олинса, ушбу вазифанинг аҳамияти ниҳоятда ошди.

Қимматли қоғозлар қийматини ўзгаришини исташ банк учун икки хил вазият вужудга келиши мумкин. Булардан бири нақд маблағларнинг қимматли қоғозларга ўтказилиши муаммоси билан боғлиқ бу, албатта, - инвестициялаш вазифасидир. Иккинчиси қарама-қарши вазият бўлиб, қимматли қоғозларнинг нақд маблағга айланганлигини талаб қилади. Қандай қимматли қоғозларни биринчи ҳолда сотиб олиш ва иккинчи ҳолда сотиш керак, деган савол туғилади.

Ушбу иккала вазият ҳам мажмуа таркибини мақбуллаштириш вазифасининг хусусий ҳолатлари тарзида ҳал этилади: мажмуанинг мақбул таркибига эга бўлиш учун инвестициялаш чоғида қимматли қоғозлар мавжуд мажмуага қўшимча равишда сотиб олинади; Сотиш чоғида энг аввало жорий ва мақбул мажмуа таркиблари ўртасидаги фарқни ташкил этувчи қимматли қоғозлардан халос бўлинади.

Банкларнинг бутун диққат - эътибори валюта курси ҳаракатида қаратилгани мутлақо табиий. Валюта мажмуасини мақбуллаштириш масаласи математика нуқтаи назаридан қимматли қоғозлар мажмуасини мақбуллаштиришга доир ҳозиргина кўриб чиқилган масала билан бир хилдир. Ҳеч бўлмаганда бир кун аввал валюта курси тўғрисидаги яхши (ўртача бўлса ҳам) маълумот олишга эришилса, сезиларли қўшимча самарага эришиш мумкин бўларди.

Бу жиҳатдан Москва банклараро валюта биржасидаги валюта савдоларини статистика жиҳатидан моделлаштириш муайян қизиқиш туғдиради. Валюта киммоши савдоси моделларида валютага бўлган дастлабки талаб ва таклифга таъиниш мақсада мувофиқ бўлурди. Бунда аввалги савдолар тажрибаси негиздаги талаб ва таклифлар жадвалини ҳисобга олиш, янги даражада валютага талаб ва таклифларни мувозанатлайдиган валюта курсининг қўйиладиган аҳамиятига эришиш зарур. Масалани бу тарзда қўйиш регресс (чиқиқли ва чиқиқсиз) моделларни талаб қилади.

Катта банклар ўз фаолиятларидан мамлакатдаги ва жаҳондаги вазиятни макро-иқтисодий таҳлил қилмай иложлари йўқ. Маълумки, XX асрнинг бошларидаёқ молиявий соҳада математика кенг қўлланила бошланди. Бозор талабини олдиндан билиб олиш учун иқтисодий барометрлар деб аталган ўлчовлар қўрилди. Гарвард барометри шулардан энг машҳуридир.

Гарвард барометри учта алоҳида қийишқ чизиқдан иборат бўлиб бири фонд бозорини, иккинчиси товар, учинчиси пул бозорини таърифлайди. Қийишқ чизиқлардан ҳар бири бир қанча муваққат қаторлар негизига қўрилган. Дастлабки маълумотлар бир қийишқ чизиқнинг бурилиш нуқталари бошқа чизиқнинг худди шундай нуқталарига нисбатан кечикиши (лагасидан) фойдаланиш принципига асосланган. Гарвард барометри бир неча йил мобайнида, давлат иқтисодий турмушни тартибга солувчи янги восита тарзида майдонга чиққунга қадар қониқарли ишлади.

Жамиятни компьютерлаштириш муносабати билан энди кўпгина иқтисодий кўрсаткичлар ҳаракатини миқдор жиҳатидан таҳлил қилиш масаласи қўйилмоқда. Улар ўртасидаги ўзаро алоқани регрессия ва эконометрия моделларини қўриш негизда ўрганиш яхшироқ бўлур эди. Жумладан, пулнинг ўрнини босувчи воситаларнинг муомала тезлиги ўзгаришини ва муомалага киришини, корхона фойдаси ва аҳоли даромадлари даражасини, истеъмолга мойиллик ва жамғаришга мойилликни, бюджет тақчиллигини, давлат буюртмалари тузилмаси ва мамлакат иқтисодиёти учун уларнинг оқибатларини (масалан, тармоқлараро баланс таҳлили орқали), ташқи савдо ва тўлов баланси аҳволи ва истиқболини ҳисобга олиб, республика Марказий банкнинг эмиссия тажрибасига боғланганлигини пул қадрсизланиши суръатлари таҳлил этиш мумкин. Олинган натижаларга қараб банк яқин истиқбол учун ўз стратегиясини тузиши, инвестициялаш учун бирмунча истиқболли лойиҳаларни белгилаши мумкин.

Фойдали ахборотни банклар махсус ишлаб чиқилган анкетадаги саволларга жавоб сифатида олинган шахсий фикр-мулоҳазаларни статистика жиҳатидан ишлаб чиқиш йўли билан олишлари мумкин. Энг самарали қарорларни қабул қилиш учун банклар баъзан таҳминларнинг ҳолисона таҳлили натижаларини ҳисобга олишдан кўра, жамиятда ва савдо-саноат доирасида ҳукм сураётган кайфиятни ҳисобга олиб ҳаракат қилиш муҳимроқдир. Масалан, пул қадрсизланишидан қўйиладиган натижалар ўзини оқлаши мумкин ёки бундай вазият ҳукуматнинг беқарор сийсати оқибатидагина вужудга келиши мумкин.

Шундай қилиб, сўнгги йилларда муҳитга мослашадиган ёндашувларни ишлаб чиқиш туфайли таҳлил ва таҳмин қилишнинг статистика усуллари жиддий ривожлана бошлади. Бу ҳолда муҳитга мослашув модели асосий қўролга айланди. У иқтисодий кўрсаткичлар янги амалларини (муваққат қаторларни) олиш билан ўз ўлчовларини тузатиши ва ҳатто ўз тузилмасини қайта қўриши мумкин. Моделга ўрнатилган муҳитга мослашув механизми маълум кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бўшашувини ва бошқа кўрсаткичлар ўртасидаги алоқаларнинг кучайишини билиб олиш ҳамда янада аниқроқ таҳмин қилиш имконини беради.

Статистика моделларида, муваққат қаторлар тарзидаги кичик ҳажмли ахборотлардан фойдаланиладилар. Мутахассис расмийлаштирилмаган маълумотларнинг бундан ҳам кўпроқ ҳажмига эга бўлади, албатта. Шунинг учун ҳам ҳисоблаб чиқилган ўлчовлар ва статистика таҳминлар, бизнинг нуқтаи назаримизда, менежерга вазиятни аниқлаш ва тўғри қарор қабул қилишда кўмаклашувчи муҳим қўшимча ахборот деб қабул қилиниши керак.

Ю.П.ЛУКАШИН,
иқтисод фанлари номзоди, РФА
Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти,
И.В.МАСЛЕНЧЕНКО,
иқтисод фанлари номзоди,
МАБ консалтинг маркази,
В.С.МХИТАРЯН,
иқтисод фанлари доктори, Москва
иқтисодиёт - статистика институти. ("Банковское дело" журнали, 1995 йил N 2).

МЕХАБАРАВИ

• 17 июл куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида МБ бошқаруви раиси Ф.Муллажонов Эрон элчиси Хошимий Гулпайгоний билан унинг маслаҳатчиси Довуд Шармини қабул қилди. Ташриф жараёнида Эрон "Салорат" банки филиалини очиб, шунингдек икки мамлакат марказий банклари ўртасида вакиллик ҳисоб варақларини очиб билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди.

• 17 июл куни Марказий банк бошқаруви раиси ўринбосари М.Асқаров Американинг "Чейз Манхеттен банк"и вакиллари билан учрашди. Кредитлар бўйича минтақавий ижрочи директор жаноб Ричард Камберленд, вице-президент Мурат Талайхон ва жаноб Карим Ялман ушбу банкнинг вакилликка мушарраф бўлганлар. Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси билан "Чейз Манхеттен банк" ўртасида лойиҳаларни молиялаштириш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек Тошкент шаҳрида банк ваколатхонасини очиб тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Сўнгра МБ ходимларини "Чейз"нинг Лондондаги бўлимларида олтин-валюта резервларини бошқаришга ўқитиш масаласига тўхтаб ўтилди.

• 19 июл куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бошқарув раиси ўринбосари М.Асқаровнинг "ЎзДЭУ Авто Ко" қўшма ўзбек-корейс корхонаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Қўшма корхона номидан Шин Хо Гюн ва К.К.Ким жаноблари қатнашдилар.

Учрашув чоғида жаноб Шин Хо Гюн қўшма ўзбек-корейс корхонаси дастлабки автомобилларини 1996 йилнинг биринчи чорагидаёқ чиқаришни мўлжаллаётганини маълум қилди.

• 24 июл куни Марказий банкда МБ бошқаруви раиси ўринбосари М.Асқаров Япониянинг "Сумитомо банк" вакиллари жаноб Каору Масунари, жаноб Икуо Хасэгава ва жаноб Го Фукутоме билан учрашди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси банк тизими билан танишдилар ва Тошкент шаҳрида "Сумитомо банк"нинг ваколатхонасини очиб билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Вакилларнинг илтимосига кўра М.Асқаров баъзи инвестиция лойиҳалари тўғрисида ҳам гап-гап берди.

БУ МАРКАЛАРНИ УНУТМАНГ

Россия Марказий банкнинг матбуот хизмати хабар қилишича, Олмония эски пул белгиларини янгисига алмаштирмоқда.

Агар немис маркасини сотиб олишни истасангиз, қоғоз пулнинг чиқарилган йили ёзилган томонидаги пастки чап бурчага эътибор қилинг. Гап шундаки, 1995 йил 1 июлдан бошлаб Бундесбанк ОФРнинг 1989 йилда чиқарилган банкнотларини муомаладан олиб ташлади. Энди ушбу "гайриқонуний" банкнотларни янгисига фақат ОФР Бундесбанкни бўлимларида алмаштириш мумкин. Қуйидаги банкнотларгина ОФРнинг қонуний тўлов воситалари, деб ҳисобланади:

- 5 марка - Беттинг фон Арним портрети, зайтун рангда;
- 10 марка - Карл Фридрих Гаусс портрети, бинафша рангда;
- 20 марка - Аннетта фон Дросте - Хюльсхофф портрети, яшил ранг;
- 50 марка - Балтазар Наймонн портрети, жигарранг;
- 100 марка - Клара Шуманн портрети, кўк ранг;
- 200 марка - Паул Эрлих портрети, қовоқ ранг;
- 500 марка - Мария-Сибилла Мериан портрети, олов ранг;
- 1000 марка - ака-ука Гриммлар портрети, қизил жигарранг.

“Бэрингз” банки хизматчилари 24 февраль, жума куну кечкурун уйларига қайтаётганларида аҳволлари манфаатлари тўғрисида ширин хаёлларга берилишлари ҳамда Британия молия тизими устуниларидан бири бўлган ўз банкларининг кўпгина машхур миждозлари орасида қиролича Елизавета II борлигини яна бир бор фахр билан эслашлари мумкин эди. Бироқ, душанба куну ишга келиб, банкнинг бутун обрўси чилпарчин бўлганидан хабар топдилар. “Бэрингз” миллиард доллардан кўпроқ қарзга ботиб абгор бўлибди. Бу маблаг банкнинг бутун сармоюси ва захира жамғармасидан ҳам кўп эди.

Британиядаги энг кўҳна банкнинг тўсатдан ана шундай инқирозга юз тутишига ақл бовар қилмайди. Бундан ҳам ҳайратланарлиси шуки, фақат бир одам – Сингапурда ҳаддан ортиқ хатарли биржа ўйинида қатнашган 28 ёшли хизматчи Ник Лисон бунга сабаб бўлди. Айни пайтда “Бэрингз” банкнинг инқирозга юз тутиши тарихи жаҳон бозорларида молиячилар дуч келадиган янги хавф-хатарлардан ҳамда кишилардаги манманлик ва очкўзлик каби эски нуқсонлар ҳаммаша сақланиб қолишидан далолат беради.

“Бэрингз”нинг тақдири жаҳондаги жуда кўп етакчи банкларни чўчитиб қўйди ва уларни ана шундай ҳодиса такрорланишининг олдини олиш учун шошилиш чоралар кўришга мажбур қилди. Кўпгина Марказий банкларнинг раҳбарлари ҳам ташвишга тушиб қолди. Улар молия бозорларининг ҳозирги ҳажми ва серҳаракатлиги шароитида назоратдан чиқиб кетишидан хавотирда. Кенг қўлланиладиган молиявий восита ҳисобланувчи ҳамда кўпчиликнинг фикрича, “Бэрингз” синишига сабаб бўлган ҳосила қимматли қоғозлар (derivative) эндиликда шайтон ихтироси деб ҳисобланаяпти.

253 йил бурун асос солинган “Бэрингз” банки қисқа вақт ичида Ситидаги энг катта молия муассасалари қаторидан ўрин олган эди. Лондоннинг Сити районида бир квадрат миля майдонда Британиянинг барча етакчи банклари жамланган. “Бэрингз”нинг молиявий сабб-харажатлари Наполеон устидан ғалаба қозонишида аҳамият жиддий таъсир кўрсатдики, 1918 йилда Франциянинг етакчи давлат арбобларидан бири “Бэрингз”ни Европада Англия, Франция, Россия, Австрия ва Пруссиядан кейинги ўринда турувчи “олтинчи энг катта давлат” деб атади.

XIX асрда ер кurrasининг тўртдан бир қисмини қамраб олган Британия империяси кучайгани сайин бу экспансияни молиялашда ёрдам берган “Бэрингз”нинг бойлиги ҳам ортиб борди. Зотан, Буюк Британиядан ташқарида ҳам бу банкнинг кўплаб машхур миждозлари бор эди. 1803 йилда “Бэрингз” ҳукуматга Франциядан Луизианани қайтариб сотиб олишга ёрдам берди. Россия империяси ҳукумати ҳам темир йўллар қурилишини молиялаш учун облигациялар сотишда банк ёрдамидан фойдаланган эди.

Британия ҳукумати Бэринглар хизматини сарҳийлик билан тақдирлаб турди. Бу оиланинг беш аъзосига дворянлик унвони берилди. Бундай ҳодиса ўрта асрлардан буён бирор марта бўлмаган эди. Бэринглар бошқа компанияларда ҳам кўпгина юқори лавозимларни эгаллаб турибдилар. British Petroleumдай улкан нефть компанияси директорлари кенгашининг раиси Лорд Эшбортон ҳам мамлакатдаги энг катта суғурта гуруҳларидан бири бўлган Commercial Unionга раҳбарлик қилаётган Николас Бэринг сингари Бэринглар оиласининг аъзосидир.

“Бэрингз”нинг ҳашаматли жиҳозланган қароргоҳи банкни эмас, бадавлат кишилар тўпланадиган клубни эслатади. Унинг деворларига мазкур оиланинг энг машхур аъзолари расмлари осилган, йўлакларига эса қадимий жавонлар қўйилиб, бутун жаҳондан келтирилган билдур ва кумуш буюмлар коллекциялари тўпланган.

Бу банк жуда кўп йилдан буён бекам-кўет ишлаётганлиги ва нуфузли миждозлари кўпчилигига қарамай, кейинги 20 йил ичида ўз мавқени тажовуқдорроқ ва пулдорроқ рақибларга бериб қўйди. Америкадаги Goldman Sachs and Morgan Stanley каби инвестиция банклари жаҳон бозорларида фаолият соҳасини муваффақиятлитоқ кенгайттирдилар. “Бэрингз” эса секинроқ ўсишни маъқул кўрди.

80-йиллар охирида келиб банк ўзининг учта асосий бўлиминини ташкил этиш ишларини ниҳоясига етказди. Хусусан, Ситидаги энг обрўли банклардан би-

ри бўлган ва корпоратив миждозларга хизмат кўрсатадиган Baring Brothers компаниясига маблагларни жалб этиш ва молиявий операциялар ўтказиш масаласи юзасидан маслаҳатлар бериш билан шуғулланиб келди; Baring Securities инвестиция лойиҳаларини молиялашда бошқа компанияларнинг фонд менежери вазифасини бажарди; Baring Securities брокерлик бўлимаси бўлиб, у Узоқ Шарқ бозорларида айниқса кучли мавқени эгаллаган эди.

80-йилларнинг ўрталарида банкнинг консерватив раҳбарияти биржа фаолиятидан тушадиган фойдани кўпайтириш имконияти мавжудлигини сезиб, Британиянинг мўжазгина брокерлик компанияси Гонконгдаги филиалини сотиб олди ва Узоқ Шарқ бозорларида жуда катта биржа операцияларини ўткази бошлади.

Битим расмийлаштириладиган даврда “Бэрингз”га ишга ўтган Кристофер Хит банк раҳбарларини Японияга вараант (Warrant)лари сотиш билан шуғулланишга кўндирди. “Бэрингз”нинг бу бозордаги фойдаси тўғрисида ҳатто афсоналар тўқилди, бундай сердаромад ишга қўл урилишига сабабчи бўлган Хит эса бирмунча вақт Бу-

олинаётган шартномалар сонини кўпайтириб, Япония бозорини ўз фойдасига ишлашга мажбур қилмоқчи бўлди. Бироқ зилзила юз бериб, Кобе саноат маркази вайрон бўлиши оқибатида Япониянинг фонд бозорида курс кескин пасайиб кетди, натижада “Бэрингз” ҳам жуда кўп - 1,42 миллиард доллар зарар кўрди.

Лисон хатарли операцияларини бутунлай назоратсиз ўтказарди. Ажабки, ёш брокер бир вақтнинг ўзида биржадаги операциялар билан ҳам шуғулланар, бўлимининг молиявий аҳволини ҳам, шу жумладан брокерлик операцияларини ва битимлардан фойзалар тўлианишини назорат қиларди. Айни шу ҳолат, афтидан, Лисонга кўпайиб бораётган зарарнинг бир қисмини яшириш имконини берган. Кўриладиган бу зарарлар унинг бошлиқлари назаридан холи бўлган ва хитойлар бахтли деб ҳисоблайдиган 8888 рақамли ҳисобварақда тўпланиб борган.

Банкнинг Лондондаги раҳбарлари бу товламачилик узоқдаги Сингапур бўлимида юз берганини баҳона қила бошладилар. Бироқ, кўриниб турибдики, раҳбариятнинг ўзи унинг фаолиятини деярли мутлақо назорат қилмаган. Ўтган йилнинг август ойи-

ган ва Россиядаги энг фаол чет эл банкларидан бири ҳисобланади. “Бэрингз” ташқил этган жуда кенг тармоқни сотиб олиш натижасида унинг бу бозорлардаги мавқеи анча кучаяди. INB “Бэрингз” номини сақлаб қолишга қафолат берди, бироқ у энди мустақил банк сифатида ишламайди.

Ҳаммани ғафлатда қолдириб “Бэрингз” абгор бўлиши молия бозорининг ҳосила қимматли қоғозлар каби воситасидан фойдаланиш хусусида қизгин баҳс-мунозаралар чиқишига сабаб бўлди. Бошқа компаниялар ҳам моҳиятини ўзлари охиригача тушунмайдиган ана шундай қоғозлар билан тузилган битимларда жуда кўп пулларида айрилдилар. Олмонидаги энг йирик машинасозлик гуруҳи бўлган Metallgesellschaft нефть опционларида зарар кўриб, синишига бир баҳа қолди. Ҳатто Американинг Procter & Gamble каби консерватив компания ҳам молия бозоридаги муваффақиятсиз операциялар оқибатида ўнлаб миллион доллардан маҳрум бўлди.

Ҳосила қимматли қоғозларга доир нуқсонлар билан боғлиқ қўрқувлар унчалик асосли эмас. Бундай қоғозлар фонд ставкалари ёки валюта курслари ноизўзгар туриши оқибатларини юмшатиб, молиявий битимларни муҳофаза этишда фойда беради. Улардан усталик билан фойдаланилса, бундай қимматли қоғозлар компаниянинг молиявий хатарини кўпайтирмайди, балки пасайтириб ҳам беради. Лекин уларнинг моҳиятини тушунмай суниестемол қилинадиган бўлса, жиддий молиявий хатарлар хатари кўп мартаба ошиб кетади. Молиячиларнинг фикрига кўра, ҳосила қимматли қоғозлар тезорар автомобилларга ўхшайди: эҳтиёткорлик унутилмаса, улар хавфли эмас. Бироқ уларни шоша-пиша бошқарадиган одамлар ҳам бор. Бундайлар жамиятнинг хавф остига қўяди.

Ҳозирча ҳосила қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказишга кўраган Россия банклари, бир қарашда “Бэрингз” билан юз берган қайғули ҳодисадан ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олишлари қийин кўринади. Лекин шунга қарамай, хавф-хатар ҳақида кўп бош қотирмасдан акция ва облигациялар билан савдо қилиб фонд бозорларига фаол кириб бораётган банклар молиявий фаолиятнинг банк ва биржа каби икки хилма-хил тури билан уйғунликда шуғулланиш нақадар мураккаб ва хатарноклигини ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасли. Банклар муваффақиятли ишлаши учун уларнинг бошқарувчилари консерватив бўлишлари, бўлар бўлмагача таваккал қилавермасликлари ҳамда миждозлар билан муносабатларини узоқ муддатли асосда қуришлари лозим. Банклар ўзлари молиялаётган тармоқлар ишини яхши тушуниши, ўзлари мулоқотда бўладиган кишилар билан ишончли муносабатлар ўрнатиши даркор.

Брокерлар, аксинча, фақат бутуннинг кун ташвиши билан яшайдилар. Улар го-ят тез қарор қабул қиладилар, бир онда миллионлаб доллар ютишлари ёки ютқазиб қўйишлари мумкин. Улар фақат телефонда гаплашадиган миждозлар билан яқинроқ танишишлари учун камдан кам ҳоллардагина вақт топадилар. Яхши банкчи учун зарур бўлган феъл-атвор жиҳатлари омадли брокерга деярли керак бўлмайди.

“Бэрингз” ўзининг икки юз йилдан ортиқ тарихи давомида тўплаган катта тажрибасига қарамай, молиячилар асрлар давомида амал қилиб келган ҳикматли сўзларни назарга илмай, абгор бўлди. Ҳолбуки, етти ўлчаб бир кес, ҳеч қачон ҳамма тухумни битта саватга жойлаш деган нақл бор.

Жон Торнхилл
“Financial Times”нинг
Москвадаги муҳбири.
“Деловие люди” журнали,
1995 йил апрель).

“БЭРИНГЗ” БАНКИ

АБГОР БЎЛДИ

БУЮК БРИТАНИЯДАГИ ЭНГ КЎҲНА БАНК
АБГОР БЎЛИШИ САБОҚЛАРИ

Япониянинг Кобе шаҳри зилзила оқибатида вайрон бўлди.
Очкўзлик ва масъулиятсизлик Британиянинг “Бэрингз” банки илдизига болта урди. Қанчалик ажабланарли бўлмасин, ана шу икки ҳодиса ўртасида бевосита алоқа мавжуд.

юк Британиядаги энг кўп ҳақ оладиган ме-нежер эди.

“Бэрингз” Узоқ Шарқдаги бошқа бозорларда жумладан Сингапурда ўтказган операциялари билан ҳам анча катта шухрат қозонди. Олдинги Вэтфорд шаҳарчасида ўсиб, улғайган 28 ёшли дилер Ник Лисон айни шу ерда хатарли биржа олди-сотди-сида кўҳна банкни “қиморга тикиб” ютқазиб қўйди.

Лисон асаблари мустаҳкам, журъатли брокер ҳисобланар ва у фьючерларда банк учун катта пуллар ишлаб берган эди. У асосан Осаки ва Сингапур биржаларида сотиладиган шартномалар нарҳидаги арзимас фарқдан фойда чиқарарди. Ниҳоят шу йилнинг бошида Лисон Япониядаги энг катта компания бўлган “Никкей 225”нинг фонд индекси ўсишига умид қилиб, ниҳоятда кўп фьючере шартномаларини сотиб олди.

Лисон кичикроқ гаров ҳисобига шартномалар сотиб оларди. Бу шартномалар кейинчалик унга компанияларнинг акцияларини белгиланган нарҳда харид қилиш ҳуқуқини беради. У ана шу акцияларнинг бозор нарҳи ўсишидан умидвор бўлган эди. Январ ойининг биринчи ҳафтасида “Бэрингз” банки “Никкей 225” компаниясининг 3024 та фьючере шартномасини сотиб олди, февраль ойининг ўрталарига келиб бу шартномалар сони 20076 тага етди. Битта шартноманинг ўртача қиймати 1,6 миллион иени бўлгани учун банк таваккал қила сотиб олган барча шартномаларининг умумий нарҳи қарийб 30 миллиард иенадан ошиб кетди.

Одатда бундай ҳолларда шартномаларни сотиб юбориш орқали банк таваккали мувозанатга солинди, натижада кўрилиши мумкин бўлган зарар миқдори камаяди. Бундан ташқари биржада “Бэрингз” шартномаларини ўзи учун эмас, балки ўз миждозларининг топширигига биноан сотиб олаёпти, деб ҳисобланган эди. Бироқ ушбу ҳолатда ҳар икки тахмин ҳам нотўғри бўлиб чиқди. Лисон қиморга тикилган маблагни икки барабар кўпайтириш орқали ютқазган пулини қайтариб олишга уринган омадсиз қиморбоз сингари сотиб

да ёзилиб, кейинроқ матбуот қўлига тушган банк ички хужжатидан маълум бўлишича, “Бэрингз” бошқарувчилари Сингапур бўлими пухта назорат қилинмаётганини яхши билишган, лекин Лисон банкка катта фойда келтираётгани туфайли бундан кўз юмшни афзал кўришган. “Бэрингз”нинг оқсуяк бошқарувчилари ўз брокерлик бўлиминининг хатарли биржа ўйинлари моҳиятини деярли бутунлай тушунинмаган.

“Бэрингз” раҳбарияти кўрилиши мумкин бўлган зарар кўламни тўла англаб етганидан сўнг тангликни бартараф этиш учун дарҳол ёрдам сўраб, Британия молия ҳокимиятига мурожаат қилди. Каттиққўл раҳбар ва ашаддий кашанда Эдди Жорж раҳбарлик қилаётган Англия банки уша эса қоларли февраль уик-эндида “Бэрингз” кутқарилишини ташкил қилишга уриниб кўрди. Лекин очик фьючерелар бўйича шундай катта хатарни ҳеч ким ўз зиммасига олгиси келмади. Жаҳонда энг бадавлат одам ҳисобланадиган ва “Бэрингз” банкнинг хизматларидан тез-тез фойдаланиб турадиган Бруней султони банкни кутқаришга бирмунча қизиқиш билдирди. Лекин, у ҳам банкнинг қанча қарзи борлигини билгач, таваккал қилгиси келмади.

Пировард натижада “Бэрингз” банки дуч келган қийинчиликлар унинг тақдири учунгина катта аҳамиятга эга, бу ҳол бутун банк тизимига ёмон таъсир қилмайди, деган хулосага келинди ва банкни тарихий қиммати учунгина сақлаб қолиш гоёеи солиқ тўловчиларнинг пуллари бунга сарфлашга арзимайди, деб ҳисоблади. Шу боис 22 февралда “Бэрингз” мустақил маъмурият бошқармасига топширилди. Бу бошқарма банкнинг қарзларини тўлаш учун унинг активларини бозорда сотишга уриниши керак эди. Голландиядаги энг катта банклардан бири бўлган INB банки битимга дарҳол қизиқиш билдирди ва энди “Бэрингз”ни сотиб олиш учун 1,26 миллиард доллар ажратиши керак бўлади.

Чамаси, ҳар икки банк ҳам бир бирига мос бўлса керак. INB банкни янги бозорлардаги фаолияти туфайли обрў орттир-

**ҲИСОБ-КИТОБ ОЛИБ БОРИШ ВА
КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА
МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

**ҲИСОБ-КИТОБ ОЛИБ БОРИШНИ
ТАЪМИНЛАШ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ
ТАХМИНИЙ ШАКЛЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
1992 йил 20 октябрь
№13

МАРКАЗИЙ БАНК МУАССАСАЛАРИГА
РЕСПУБЛИКА БАНКЛАРИГА

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРГА КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ УЗИШ

ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг "Ўзбекистон Республикасининг "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш тартиби ҳақида"ги қарорига мувофиқ хусусийлаштириш дастурининг асосий қоидалари белгилаб берилди. Бу дастурдан қуйидаги мақсадлар кўзланали:

1. Республикани иқтисодий жиҳатдан барқарорлаштиришдан иборат умумий мақсадга қаратилган сиёсатни амалга оширишга ёрдам бериш, шу жумладан:

- савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини хусусийлаштиришни жадаллаштириш йўли билан эркин нархларга ўтишни таъминлаш;

- давлатни энг самарасиз корхона ва объектларни (зарарига ишлаётган корхоналар, қурилиш объектларини) сақлаб туришдан озод қилиш;

- 1993-1994 йилларда хусусийлаштириш жараёнини кенг авж олдириб юбориш учун шарт-шароит яратиш;

- корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги ошишини таъминлаш;

- бюджет даромадларини кўпайтириш.

2. Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки бўлган объектлар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектларидир.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий ресурслар, маданий ва тарихий бойликлар давлат тасарруфидан чиқарилмайдилар ва хусусийлаштирилмайдилар.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Хусусийлаштириш чоғида:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

- давлатга тааллуқли бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этган юридик шахслар;

- ажнабий юридик шахслар ва фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар мулкни олувчи субъектлар бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ман этилган шахслар хусусийлаштирилган объектларни, хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини сотиб олишлари мумкин эмас.

4. Республика мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш давлат қўмитасига, коммунал мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи ҳокимликларга берилади.

Коммунал мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ижроия қўмиталари қабул қилади.

5. Корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш иши унга қарашли мол-мулкнинг таркибини аниқлашни, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини йўқлама қилиш, активлари ва пасивларини баҳолашни, ишнинг айрим йўналишлари бўйича комиссиялар, эксперт гуруҳлари ту-

зишни, хусусийлаштириш муддатлари ҳақида ахборот тайёрлашни, объектнинг қийматини, корхонани қайта тузиш лойиҳаларини, ҳисоб-китоб шакли ва муддатлари ҳақидаги тавсияларни, имтиёзлар бериш мумкинлиги ва бошқа масалаларни ўз ичига олади.

6. Ижарага олинган давлат корхонасининг мол-мулкни сотиб олиш тартиби ижарага олинган мол-мулкни сотиб олинадиган, сотиладиган, акцияли жамиятларга айлантириладиган давлат корхоналарининг қийматини баҳолаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ баҳолашни ўз ичига олади.

7. Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштиришга доир норматив ҳужжатларда давлат корхонасини жамоа корхонасига, акцияли жамиятга, бошқа ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларига айлантириш; давлат мулкни танлов асосида сотиб олиш, давлат мулки иншоотини ким ошди савдо-сида сотиш, битимларни расмийлаштириш тартиби белгилаб берилган.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун маблағ олиш манбалари белгиланган бўлиб, булар жисмоний шахсларнинг ўз маблағларидан, давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг ўз маблағларидан, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган усуллар билан қўлга киритилган бошқа молнавий маблағлардан иборат.

Меҳнат жамоасининг аъзолари хусусийлаштирилган мол-мулкни қуйидагилар ҳисобига ҳақини тўлаб олишлари мумкин:

- соф фойданинг меҳнат жамоаси аъзоларининг мулки бўлган бир қисми;

- аморгизация ажратмалари ҳамда давлат корхонасида фойдаланилаётган ва меҳнат жамоасининг мулки бўлган мол-мулкни сотишдан келган тушум;

- қимматли қорозлар чиқариш орқали жалб этилган маблағлар;

- тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари;

- меҳнат жамоаси аъзоларининг шахсий маблағлари;

- давлат мулки бўлмаган бошқа маблағлар.

Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан давлат мол-мулкни сотиб олиш тариқа фойдаланиш мумкин эмас.

8. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан олинган маблағнинг 10 фоизи махсус фондни ташкил этиш учун ажратилгандан кейин қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг давлат мулки ҳисобланади ва хусусийлаштириш фондида жамланади, бюджет тақчиллиги қонлиниб бўлгандан кейин қуйидаги мақсадларда ишлатилади:

- аҳолини иқтисодий ҳимоялаш;

- табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- шаҳарлар, ҳудудларнинг инженерлик инфраструктурасини ривожлантириш ва бошқалар.

9. Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш махсус тузила-

диган комиссиялар зиммасига юклатилади. Улар таркибига Давлат мулкнинг бошқариш кўмитасининг, молия органларининг, банк муассасаларининг вакиллари ва меҳнат жамоасининг, мол-мулк фондининг, вазирлик ва идораларнинг вакиллар кирди.

Комиссиялар белгиланган тартибда корхона мол-мулкни йўқлама қилишни ва баҳолашни ташкил этадилар ҳамда бу ишнинг боришини назорат қиладилар.

Комиссия:

- асосий ва оборот маблағлари, тугалланмаган қурилиш ҳамда молиявий активлар қийматини баҳолаш (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 18 июлдаги 293-сонли қарорига мувофиқ индексациялашнинг ҳисобга олган ҳолда) далолатномларини тузади. Бу далолатномаларда йўқлама қилиш ва баҳолаш натижалари аке эгитирилади (Сотиб олинмаган давлат корхоналари мол-мулкнинг қийматини баҳолаш тўғрисидаги низомига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 26 июндаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган 1-5-иловалар).

Далолатнома тузиш чоғида кредиткорлик қарзлари ва банк кредитлари алоҳида бўлим қилиб ёзилади:

- корхона томонидан тузилган тақсимлаш балансини тасдиқлайди, унинг бир нусхаси ҳисоб-китоб варағидаги маблағларини ҳамда унга бўлган даъволарни (қисқа ва узоқ муддатли есула бўйича қарзларнинг, маҳсулот етказиб берувчиларга ва бошқа ҳужжаликларга муддати ўтказиб юборилган тўловларнинг қоллиги) "Харидор" билан "Сотувчи" ўртасидаги тақсимлаш учун корхонага хизмат кўрсатадиган банкка тақдим этилади;

- хусусийлаштирилаётган корхонанинг кредиткорлик қарзларини аниқлаш натижаларини тасдиқтайди. Аниқлаш далолатномаси асосида янги мулкдор унинг мулкдорлик ҳуқуқлари рўйхатдан ўтказилганидан кейин 2 ойлик муддатда тегишли шартномаларни қайтадан тузади.

Корхоналар (ташкilotлар)ни давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш чоғида шу корхоналарнинг кредиткорлик қарзларини янги мулкдор ўз зиммасига олади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки корхоналар ва ташкilotларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларини ҳал этиш чоғида қуйидагиларга амал қилишни тавсия этади:

1. Хусусийлаштирилаётган объектнинг банкдан олган қарзини ва шу билан бирга хусусийлаштириш пайтигача кредит учун ундириб олинмаган фоизларни янги мулкдор тегишли банк муассасасига тўлаб юбориши мумкин.

"Харидор"нинг маблағи бўлмаса, у мавжуд қарзини ўз номига расмийлаштириши, шунингдек объектни хусусийлаштириш учун янги кредит олиши мумкин.

Банк ихтиёрида талбиркорларга ёрдамлашнинг Фондининг қолган пуллари қўшимча манба бўлиб хизмат қиладиган бўш кредит ресурслари ҳамда мол-мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар бўлса, шунингдек қарз олувчи кредит бериш таъминларига (кредитнинг таъминланганлиги, мавжудлиги, кредитнинг қайтарилиши, муддатлилиги, кредит учун ҳақ тўлавиши) амал қилса, янги мулкдорга кредит берилиши мумкин.

2. Хусусийлаштирилган корхонанинг узоқ ва қисқа муддатли кредитлар бўйича банкдан олган қарзини ўз номига расмийлаштириш учун "Харидор" корхонага хизмат кўрсатувчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қарз олиш учун ариза;
- ўтказув баланси;
- ҳақи тўлаб олинмаган асосий воситаларнинг қийматини

баҳолаш далолатномаси;

- йўқлама қилиш ва баҳолаш пайтидаги мавжуд оборот маблағларини баҳолаш далолатномаси;

- тугалланмаган қурилиш қийматини баҳолаш далолатномаси;

- молиявий активларни баҳолаш далолатномаси;

- хусусийлаштирилаётган корхонанинг фаолиятини тавсифловчи бошланғич маълумотлар;

-хусусийлаштирилаётган корхонага хизмат кўрсатувчи банкнинг корхона банкдан қарздор эканлиги ҳақидаги кредитларнинг турлари ва шу пайтгача кредит учун ундириб олинмаган фоизлар, шунингдек ушбу миқоз хусусида берилган кафолатлар суммаси кўрсатилган маълумотнома тасдиқномаси. Бундан ташқари ушбу ҳужжатда банк реквизиитлари ва миқознинг қарз ҳисобварақлари номери маълум қилинади.

Қарзлар молиявий жиҳатдан барқарор бошқа жисмоний ёки юридик шахс кафил бўлган тақдирда ёки тўланмаган кредитларнинг қайтарилмаслик хавфидан суғурта қилиш шарти билан қайта расмийлаштирилади. Қарз мол-мулкни, шу жумладан банк кредитидан ҳоли бўлган кўчмас мулкни гаровга қўйиб қайта расмийлаштирилиши мумкин.

Агар кредитлар давлат корхонаси жамоа корхонасига айлантирилаётганида қайта расмийлаштирилса, банк "Харидор"дан кредит суммасининг ҳаммасига гаров мажбурияти олиши зарур.

Агар "Харидор" бошқа юридик ёки жисмоний шахс бўлса, қайтарилмаслик хавфи бўлган кредитлар суммасининг ҳаммасига нотариал идорада тасдиқланган гаров мажбурияти ёки суғурта мажбурияти талаб қилмоқ керак.

Бунда қарз олувчининг (жисмоний ёки юридик шахсининг) кредитларни ва улар юзасидан фоизларни суғурта шартномасида белгиланган муддат мобайнида ўз вақтида ва батамом тўлаш учун банк олдидаги жавобгарлиги суғурта қилиш объекти бўлади.

Қайта расмийлаштирилган кредитлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда суғурта органи (суғурта қилувчи) кредит берган банкка (суғурта берувчига) суғурта товонини суғурта муддати тугаганидан кейин 15 кун ичида тўлайди.

Суғурта тўловлари кредитнинг қайтарилмаганлиги ҳақидаги Далолатнома (8-илова) асосида ҳисобдан ўчирилади.

3. Объектни хусусийлаштириш учун кредит мажбурий суғурта бўйича суғурта қилинган мол-мулк устидан берилади. Қарзнинг миқдори хусусийлаштирилаётган объект суғурта нархининг 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Кредитни расмийлаштириш учун банкка ушбу хатнинг 2-бандида кўзда тутилган ҳужжатларнинг маълумотнома-тасдиқномадан ташқари ҳаммаси топширилади. Уларга қўшимча ўларок, қарз олувчи банкка мажбурий суғурта шартномасидан бир нусхани ёки давлат суғурта органларидан хусусийлаштирилаётган объектнинг суғурта қиймати тўғрисида олинган маълумотномани ҳам топширади.

4. Мол-мулкни хусусийлаштириш учун олинган кредитлар, шунингдек қайта расмийлаштирилган қарз кредит шартномаларини тузиш асосида расмийлаштирилади. Бу шартномаларда кредит муддати, фоиз ставкаси ва бошқа шартлар банк тизимида амал қилиб турган меъриий ҳужжатлар ва низомиларга мувофиқ кўрсатилади.

Банкдан олинган қарзлар ва янги олинаётган кредитлар муддатли мажбуриятлар ёки мажбурият- топшириқномалар билан расмийлаштирилади.

Хусусийлаштирилган объектнинг жорий харажатларига бундан буён кредит бериш "Харидор" банки томонидан умумий асосларда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки бошқаруви Раиси
Ф.М.МУЛЛАЖОНОВ**

кредитларни олиш учун банк муассасалари томонидан баҳс-мунозарасиз тартибда (агар шундай ҳуқуқ шартномада кўзда тутилган бўлса) олиниши мумкин.

6. Қарз олувчиларнинг ҳисоб-китоб варақларидаги маблағ қолдиғига қараб кредит шартномасида кўзда тутилган шартлар асосида фойзлар чиқарилади. Агар ҳисоб-китоб варағидаги маблағлар қолдиғи муайян миқдордан камаймаса, кредит шартномасида миқдори банк хизматлари учун тўловдан озод қилиш кўзда тутилиши мумкин.

7. Қарз олувчи кредит олиш учун ўзининг ҳисоб-китоб варағи очилган банкка мурожаат қилади.

Банк берадиган кредитлар қайтарилиши қарз олувчига тегишли бўлган ва қонунларга кўра сотиб қарз ўрнини қоплашга руҳсат этилган мулкни гаровга олиш йўли билан, банк амалиётида қабул қилинган кафолатлар, кафилилик ва бошқа шакллардаги мажбуриятлар билан таъминланади (1, 2, 3, 4-иловлар).

Бу кафолатлар, кафилилик ва мажбуриятларнинг етарлилик даражасини банк белгилайди.

Банк муассасалари берилган қарз гарови сифатида сугурта қилинган товар-моддий бойликларни, ишлаб чиқарилган маҳсулотни, бинолар, иншоотлар, квартиралар, транспорт воситалари, техника, шунингдек қарз олувчига тегишли бошқа мулкни Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартибда қабул қилади.

Кредитни қайтариш мажбуриятлари бир ёки бир неча шаклларда таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кредит берилишидан олдин, кредит шартномаси тузиш даврида расмийлаштирилади ва Банкка тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, тўловга лаёқатли бошқа юридик ва jisмоний шахслар фермер хўжалигининг кафили бўлиши мумкин.

8. Қарз олувчига қисқа ва узоқ муддатли кредитлар кредит шартномаси асосида, амалдаги қонунларда кўзда тутилган кредитнинг қайтарилиши, муддатлиги, фойзлиги ва таъминланиши шартлари асосида ва томонларнинг келишувига кўра берилади. Кредитлар кредит ресурслари доирасида берилади.

Кредит шартномасида қарз олувчининг кредитни қайтаришга, қарздан фойдаланганлик учун фойз тўлашга доир мажбуриятлари, унинг миқдори, иншоотни куриб битказиш ҳамда кредитдан фойдаланиш муддатлари кўзда тутилади. Бунда қанча маҳсулот ишлаб чиқарилиши, қанча маҳсулот сотилиши ва қанча даромад қилиниши, кредит беришда гаровга қўйилган бойликлар юзасидан мажбуриятлар, қарз олувчининг барча аъзолари унинг қарзлари учун мулкий жавобгар бўлиши, шартнома шартларини бажармаганлик ва кредитдан кўзда тутилмаган мақсадларда фойдаланганлик учун қўлланиладиган иқтисодий жазо чоралари кўзда тутилади.

Кредит шартномаси томонларнинг хоҳишига қараб қисқа ва узоқ муддатли қарзлар олиш учун алоҳида-алоҳида тузилиши мумкин.

9. Қисқа муддатли кредитлар жорий ишлаб чиқариш харажатлари (ишлаб чиқариш учун зарур товар-моддий бойликлар сотиб олиш) учун 12 ойгача муддатга берилади. Айрим ҳолларда ишлаб чиқариш даврининг хусусиятларига қараб, қисқа муддатли кредитлар бундан кўпроқ муддатга, лекин узоғи билан 2 йилга берилиши мумкин.

10. Сотиб олинган товар-моддий бойликлар ҳамда кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун қарзлар фермер хўжалиқларига кредит шартномасида ва гаровда кўзда тутилган миқдорда нақдсиз ёки нақд пул билан берилади.

11. Узоқ муддатли кредитлар Қарз олувчиларга:

- иншоотларни куриш, кенгайтириш, қайта куриш (техника билан қайта жиҳозлаш) ҳамда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чи-

қариш мақсадларида фойдаланиладиган асосий фондларни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги бошқа харажатлар, қишлоқ хўжалик техникаси, транспорт воситалари ва машина-ускуналар сотиб олиш учун 15 йилгача муддатга, техник-иқтисодий асосномаларга мувофиқ белгиланган муддатларда ва иншоот ишга туширилгандан кейин уза бошлаш шарти билан берилади;

- банк сермахсул чорва моллари сотиб олиш учун фермер хўжалиқларига ва хусусийлаштирилган фермаларга 7 йил муддатга кредитлар бериши мумкин.

Фермер хўжалиқларига ҳовлисида ёрдамчи бинолари бўлган турар жойлар куриш учун уй баҳосининг 50 фоизгача миқдорида 10 йилгача муддатга узоқ муддатли кредитлар берилади. Бундай кредитлар қарз олинганидан кейинги 5-йилдан бошлаб узила бошланиши лозим.

Чорвачилик ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш иншоотларини куриш учун фермер хўжалиқлари куйидаги техник ҳужжатларни топширишлари тавсия этилади:

- туман ёки вилоят ҳокимлигининг иншоот куриладиган ер майдони ажратилиши тўғрисидаги қарори;

- туман ёки вилоят ҳокимлиги комиссияси иншоот курилиши мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги тўғрисида туман ёки вилоятнинг хусусиятини ҳисобга олиб чиқарган хулоса;

- лойиҳа инстпути тузган лойиҳа-смета ҳужжатлари (шу жумладан техникавий-иқтисодий асоснома) ёки иншоот курилишининг соддалаштирилган чизмаси;

- ажратилган майдонда мазкур иншоотни куриш учун Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитасининг руҳсатномаси.

12. Бевосита бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, сотиб олинаётган товар-моддий бойликлар, машина-ускуналар ва бошқа мулк ҳақини тўлаш учун есулда ҳисобварағидан есудалар берилади.

Банк муассасалари камида 30 бош қорамол боқаётган фермер хўжалиқларига имтиёзли кредитлар берадилар.

13. Тақдим этилган илтимоснома ва унга илова қилинган ҳисоб-китоблар асосида Банк фермер хўжалиқига у гаровга қўйган мулкнинг 80 фоизи доирасида нақд пул билан кредит бериши мумкин.

Фермер хўжалиқларининг ўз маблағлари ҳисобидан нақд пул бериш чегараланмайди.

14. Бериладиган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ҳар гал мажбурият-топшириқнома билан аниқ муддатга ёки тегишли ойнинг 10 кунини (кредит кун сайин ҳисоб-китоб варағига тушадиган пул ҳисобидан (ойнинг 1-кунидан 10-кунгача ва ҳоказо давомида) қайтариладиган қилиб расмийлаштирилади. Бу 10 кун маҳсулот сотиш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ва бошқа йўллار билан олинган даромаднинг қачон тушишига қараб белгиланади.

15. Кредитларни олиш мажбурият-топшириқномалар асосида маблағларни Қарз олувчининг маҳсулот сотиш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)дан тушадиган фойда қўйилган ҳисоб-китоб варағидан олиш, унинг омонат ҳисобварағидаги маблағларни ўтказиш, алоқа корхоналари орқали пул жўнатиш йўли билан, нақд пул билан, қарз олувчининг тўлов топшириқномаси билан амалга оширилади.

Банк қарз олувчининг ҳисоб-китоб варағидаги маблағларини мўлжаллаш мақсадга сарфланмаган қарзни, шунингдек қарз юзасидан ёзилган фойзаларни олиш учун олиши (агар кредит шартномасида Қарз олувчининг Банкка шундай ҳуқуқ берилган бўлса) мумкин.

Қарз мажбурият-топшириқномада белгиланган муддатда узиlmаса, у муддати ўтказиб юборилган қарзлар ҳисобварағига ўтказилади.

16. Қарз олувчи кредит шартномаси шартларига риоя этмаслиги туфайли кредитни муддатидан олдин ундириб олиш зарурати тузилган ҳолларда, шунингдек қарз муддати ўтказиб юборил-

ган қарзлар ҳисобварағига киритилгунича банк бу ҳақда Қарз олувчини, кафилилик берган шахсни ва кафолатчи ташкилотни қарз ундириб олинишидан камидан 5 кун аввал хабардор қилиб қўяди. Банк белгиланган муддат ичида у қарзни узиш учун пул ўтказиши шарт.

Қарз олувчи қарзини ва унинг фоизларини кредит шартнома-сида белгиланган муддатларда тўламаган ҳолларда банк бу тўлов-ларни қуйидаги йўллар билан ундириб олади:

- қарз суммасини кафолатчи ташкилотнинг (кафил бўлган шахсининг) ҳисобварағидан акцептсиз тартибда ундириб олиш учун ўз тўлов талабномаси (фармойиши)ни тақдим этади;

- суғуртани амалга оширган суғурта ташкилотидан суғурта қондасига кўра белгиланган муддат доирасида суғурта пули олади;

- банк амалдаги қонуиларга мувофиқ шартномада белгилан-ган тартибда қарз олувчи гаровга қўйган мулк қиймати билан қаноатланади;

- нотариал идораларнинг ижро этиш тўғрисидаги устхатлари асосида бу тўловларни баҳс-мунозарасиз тартибда кафолатчидан ундириб олади.

Шу муносабат билан банк муддати ўтказиб юборилган қар-зини ва шу қарз юзасидан фоизларни ундириб олиш тўғрисидаги ижро устхатини белгиланган тартибда 10 кун муддат ичида рас-миёлаштириши шарт.

Агар қарз берувчи мажбурият муддати тугаган кундан бош-лаб 3 ой мобайнида кафолатчига даъво билдирмаса, кафолат ўз кучини йўқотади. Кредит шартномасида кўрсатилган қарзни узиш муддатининг охириг кунни мажбурият амал қиладиган муд-датнинг охириг кунни ҳисобланади.

17. Кредит бўйича қарзни ундириб олиш учун ижро хужжат-ларини тақдим этиш муддатлари ўтказиб юборилган ҳолларда, агар бу кўрилган зарарни қарздордан ундириб олиш имконияти-ни йўққа чиқарган бўлса, бунинг учун айбдор банк ходимлари кўрилган зарар учун амалдаги қонуиларда белгиланган тартибда моддий жавобгар бўладилар.

18. Молиявий жиҳатдан вақтинча қийналиб турган ва шу сабабли кредитни ўз вақтида қайтара олмаётган айрим фермер хўжаликларига банк муассасалари шартнома асосида юқори фо-из қўйиб ҳамда бу қарзларни қайтариш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаб, уларни узиш муддатини 2 йилгача кечиктириши мум-кин.

19. Фермер хўжалигининг фаолияти тўхтатилган ҳолларда унинг мулки ёлланиб ишлаётган ходимларга иш ҳақи тўлашга, бюджетга ўтадиган тўловларга, банклардан олинган қарзларни

қайтаришга, бошқа қарз берувчилар билан ҳисоб-китоб қилишга сарфланади.

Қолган мулк ва уни сотишдан тушган маблағ умумий мулк сифатида сақланади ёки деҳқон хўжалигининг аъзоларига тақ-симлаб бериллади.

20. Кредит бериш жараёнида банк қарз олувчининг хўжалик-молиявий фаолиятини, тузилган кредит шартномаси шартлари қандай бажарилаётганини, у ўзи олган кредитдан қанчалик самар-али фойдаланаётганини, қарз ўз вақтида ва тўла қайтарилишини назорат қилиб туради, кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида қарз олувчи билан доимий алоқада бўлиб туради.

Қарз олувчининг хўжалик-молия фаолиятини таҳлил қилиш учун Банк, зарурат туғилган ҳолларда, жойнинг ўзида пул ва ҳисоб-китоб хужжатларини, бухгалтерия ёзувларини текширади.

Қарз олувчи кредит шартномасида кўзда тутилган ўз мажбу-риятларини бажармаган ҳолларда, агар бу ҳол кредитнинг ўз вақтида тўла узилишини хавф остига қўйса, шунингдек ҳисобот-лардаги маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаслиги ёки бухгалте-рия ҳисоби ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги аниқланган тақдирда банк:

- агар қарз олувчи келишилган муддатда банкнинг тавсияла-рини бажармаса, у бундан буён кредит бериш тўхтатилиши ҳа-қида огоҳлантиради ва шартномада кўзда тутилган кредитни бун-дан буён беришни тўхтатиб туради, илгари берилган қарзларни муддатидан олдин ундириб олиши мумкин;

- кредитдан кўзда тутилмаган мақсадларда фойдаланилгани аниқланган ҳолларда ноўриг фойдаланилган кредитни муддати-дан олдин ундириб олади, шу кредитнинг фоиз ставкасини оши-ради, кредит ҳажмини қисқартиради ёхуд кредит шартномасида кўзда тутилган тадбирларни кредит билан бундан буён таъмин-лашни буткул тўхтатади;

- илгари олинган қарзлар муддатида тўланмаган ҳолларда янги кредитлар берилмайди ва қарзни ундириш учун гаров ху-қуқидан, юридик ва жисмоний шахслар берган кафолатлардан, суғурта мажбуриятларидан фойдаланилади.

20. Бир йил давомида ер участкасидан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланмаган ёки ундан ернинг завоқ топишга олиб келадиган усулларда фойдаланаётган, кредит шартномаси-нинг шартларини бажармаётган, олган кредитларини ўз вақтида қайтармаётган фермер хўжалигига нисбатан банк кредитга доир ва бошқа жазо чораларини қўллаши мумкин.

Ушбу Қоидалар нашр қилиниши билан 1994 йил 12 феврал-даги №62 "Фермер хўжаликларига кредит бериш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш қоидалари" ўз кучини йўқотади.

**Бошқарув Раисининг муовини
Ў.НЕЪМАТОВ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

№ 26

1993 йил 20 апрель

БАНК МУАССАСАЛАРИГА

БАНК МУАССАСАЛАРИДА ФОИЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА УЛАРНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИДА АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Тўланиши белгиланган ҳолларда фоизлар ҳисоб-китоб, жорий (бюджет ҳисобварақларидан ташқари), қарз, депозит ҳи-собварақлари, фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларнинг омонат ҳисобварақлари бўйича ҳисобланади.

1.2. Банк муассасаларида таҳлилий ҳисобда ҳисобварақлар бўйича фоизларни ҳисоблаш учун ҳар бир ҳисобварақ эгасига

алоҳида шахсий ҳисобварақлар очилади. Кредитлар юзасидан - объектлар (кредит шифрлари), кредитдан фойдаланиш муддати ва фоиз ставкалари миқдори бўйича; депозитлар юзасидан - уларни сақлаш муддатлари ва фоиз ставкалари миқдори бўй-ича;

1.3. Актив ҳамда пассив операциялар бўйича фоиз ставкала-ри миқдори, фоизларни ҳисоблаш тартиби, даври, муддати,

уларни ундириш (фоизларни мижоз ҳисобварақларига пассив операциялар бўйича ўтказиш) тартиби банк билан мижоз тузган шартномаларда белгилаб қўйилади. Банк муассасаси раҳбари фоизларни ҳисоблаш учун банк бухгалтериясига фармойиш беради.

1.4. Мазкур банк муассасасида ҳисоб-китоб варағи бўлмаган қарз олувчига ссуда берилган вақтда банклар ўртасида ҳужжаларнинг айланиши ҳисобга олиниб, шартномада кредитлар ва фоизлар бўйича қарзни ундириш тартиби ҳамда муддати алоҳида кўрсатилади. Шартномада кредит ва унинг фоизлари бўйича қарзни қарз олувчи маблағларни топшириқнома ёки банк тақдим этган талабнома-топшириқнома асосида ундириб олиш тартиби белгиланади.

1.5. Фоизлар ҳисобланаётганда шартли равишда бир ой - 30 кун, бир йил - 360 кунга тенг деб қабул қилинади. 31 кунлик ойларда сўнгги 31-кун ҳисобга олинмайди, февралда эса охириги кун учун қолдиқ 30 кунга неча кун етмаса, шунча марта такрорланади.

2. ФОИЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

2.1. Фоизлар шартномада назарда тутилган миқдор ва муддатларда (лекин ҳар чоракда камида бир марта) ҳисобланади.

2.2. Фуқаро ва ҳарбий хизматчилар омонатлари бўйича фоизлар ҳар йили биринчи иш кунинда, омонат тўлиқ тўланаётганда, омонат дафтарчаси алмантириладиганда ва қайта расмийлангириладиганда ҳисобланади.

2.3. Томонлар ўртасидаги шартномада яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, деҳқон хўжаликлари: яқка ва туруқ ижарачиларга асосий қарзга доир ҳар бир тўлов вақтида ссуда бўйича фоизларни ҳисоблаш ва тўлашни кўзда тутиш тавсия этилади. Биринчи тўлов вақтида ссуда берилган кундан биринчи тўлов тўланган кунгача ҳисобланган фоизлар тўланиши лозим. Агар берилган ссуда тўловларни фоизлар билан бирга тўлашга етарли бўлмаса, биринчи навбатда ҳисобланган фоизларни тўлаш кўзда тутилади.

2.4. Яқка тартибда қарз олувчиларга берилган ссуда бўйича фоизларни ҳисоблаш ва ундириб олиш улардан қарзни узиш учун тўловлар келиб тушганида амалга оширилади.

2.5. Яқка тартибда қарз олувчиларга хўжаликлар орқали бериладиган узоқ муддатли ссуда бўйича фоизлар ҳар чоракда камида бир марта шартномада назарда тутилган тартибда ҳисобланади ва хўжаликлар ҳисоб-китоб варақларидан тўланади.

2.6. Янги қурилушларга бериладиган банк кредитлари бўйича фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби кредит шартномасида белгилаб қўйилади.

2.7. Ҳисобварақлар ёпилаётган вақтда, шахсий ҳисобварақлар бир банк муассасасидан бошқасига ўтказилаётганида ёки банк муассасаси тугатилаётганида фоизлар ҳисобварақ ёпилган кун учун ҳам ҳисобланади.

Ҳисобварақ ёпилаётган вақтда ҳисобдан чиқариладиган қолдиқ ҳисобварақ эгаси фойдасига ҳисобланган фоизлар унга ўтказилиб, ссудалардан фойдаланганлик учун банк фойдасига олинган фоизлар ҳисобдан чиқарилганидан кейин белгилашни лозим.

Банкнинг шу муассасасида ҳисобварақ қолдиқлари бир баланс ҳисобварағидан бошқасига ўтказилаётганида бу шахсий ҳисобварақ бўйича фоизлар ҳар иккала - аввалги ва янги баланс ҳисобварақлар бўйича ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар янги баланс ҳисобварағи бўйича ўтказилади.

3. ФОИЗЛАРНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Ҳисобланган фоизлар банк муассасаси баланси бўйича улар ҳисобланган даврнинг ўзида ўтказилиши керак.

Агар бирор сабабга кўра ўтган йилги операцияларга доир фоизлар ҳисобланмаган бўлса, улар якуний оборотлар чиқара-

ётганда ҳисобланади ва ўтказилади.

3.2. Ҳисобварақлар бўйича кредит қолдиқларига ҳисобланган фоизлар шу ҳисобварақлар кредитига ва 970-“Операцион ва бошқа харажатлар” баланс ҳисобварағининг тегишли шахсий ҳисобварағи дебитига киритилади.

Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар тегишлича ҳисоб-китоб ва жорий ҳисобварақларидан ундириб олинади ва шу суммада 960-“Операцион ва бошқа даромадлар” баланс ҳисобварағининг тегишли шахсий ҳисобварағига киритилади.

3.3. Мижоз ҳисобварақларида маблағ бўлмаса қарз ва ҳисобланган фоизлар суммалари 620-“Муддатида тўланмаган кредитлар” ҳисобварағи (муддати ўтган ссудалар ҳисобварағи) дебитига ва 943-“Келгуси даврлар даромадлари” ҳисобварағи кредитига киритилади. Ҳисобварақларга ҳисобланган фоизлар суммаларини ҳисобдан чиқариш учун маблағлар келиб тушганида тўловчининг ҳисоб-китоб варағи лебеланади, 620-ҳисобварақ кредитланади.

Айни вақтда ҳисобланган фоизлар суммаси 943-“Келгуси даврлар даромадлари” ҳисобварағидан чиқарилади ва 960-“Операцион ва бошқа даромадлар” баланс ҳисобварағининг тегишли шахсий ҳисобварағи кредит қисмига киритилади. Ҳисобланган фоизлар 960-ҳисобвараққа ўтказилгунча банк даромадига киритилмайди.

3.4. Мазкур банк муассасасида ҳисоб-китоб варағи бўлмаган қарз олувчиларга берилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар 904-“Дебиторлар ва кредитдорлар” ҳисобварағи дебет қисмига ва 943-“Келгуси даврлар даромадлари” ҳисобварағи кредит қисмига киритилади. Фоизларни тўлашга доир ҳужжат келганида сумма 840-“Жорий йилнинг фишлалараро жавоб оборотлари” ҳисобварағи дебети ёки вакилик ҳисобварағи дебети бўйича ўтказилади ва 904-“Дебиторлар ва кредитдорлар” ҳисобварағи кредит қисмига киритилади. Айни вақтда 943-“Келгуси даврлар даромадлари” ҳисобварағи дебет қисми бўйича ҳисобланган фоизлар ҳисобдан чиқарилиб, 960-Операцион ва бошқа даромадлар” баланс ҳисобварағининг тегишли шахсий ҳисобварағига ўтказилади. Ҳисобланган фоизлар суммаси тўланган фоизлар суммалари 960-ҳисобвараққа ўтказилишига қадар банк даромадига киритилмайди. Фоизлар 1.4-бандда кўрсатилган тартибда тўланади.

Ҳисобланган фоизлар мижозларнинг шахсий ҳисобварақларида алоҳида суммаларда акс этирилади.

Муддати ўтган ссудалар ҳисобига доир шахсий ҳисобварақлар қолдиқлари бўйича ҳисобланган фоизлар ҳам мижозларнинг шахсий ҳисобварақларида алоҳида суммалар билан акс этирилади.

4. ФОИЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИ

4.1. Ҳисоб юритишга доир маълумотларга ҳисоблаш машиналарида ишлов бериладиган банк муассасаларида фоизлар дастурли йўл билан, фоизли рақамлардан фойдаланиб ҳисоблаб чиқилади.

4.2. Бошқа ҳолларда фоизларни ҳисоблаш учун ўртача хронологик формулага кўра тегишли давр учун ҳисобланган ўртача қолдиқлар ишлатилади:

$$\frac{a_1 + a_2 + a_3 + a_h - 1 + a_h}{2}$$

$$h - 1$$

бунда a_1, a_h - давр боши ва охиридаги қолдиқлар;

a_2, a_3, \dots, a_{h-1} - давр ичида кейинги саналардаги қолдиқлар;

h - тегишли даврга тўғри келган кунлар сони;

4.3. Дам олиш кунларидаги қолдиқлар аввалги кун қолдиғи суммасида олинади. Олинган ўртача қолдиқ фоиз ставкасининг

тегишли қисмига (бир ойдаги қолдиқлар ҳисобланганда 1/12 улушга) кўпайтирилади. Ўртача Хронологик қолдиқлар, фоиз ставкалари ва ҳисобланган фоизлар суммалари фоизлар қайлномасига ёзилади, умумий натижа қайлномага кўра ҳисобланади ва қайлнома масъул ижрочилик ҳамда бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари (ёки бош бухгалтер топшириғига кўра бошқа назоратчи ходим) имзолари билан тасдиқланади.

4.4. Фоизларни киритиш ва уларни тегишли шахсий ҳисобварақларга ўтказиш тўғрисидаги, шунингдек ҳисобланган фоизлар суммасининг банк даромадига киритилиши қонунийлигини кейинги назорат тартибиде (танлаб ёки ёппасига) текшириб туриш тавсия этилади.

4.5. Фоизлар суммаси ҳисобварақларда қайд қилинганидан кейин ҳисобланган фоизлар қайлномаси ҳисоблаш тасмалари билан бирга банкнинг ички операцияларига доир кунлик ҳужжатлари орасида сақланади.

4.6. Якка тартибдаги қарз олувчиларга берилган ссудалар бўйича фоизларни ҳисоблаш ва ундириш куйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Якка тартибда қарз олувчи ўз мажбуриятномасига кўра биринчи муддатли тўловни топширганида фоизларни ссуда бўйича

алоҳида суммалар олинган кундан қайтара бошлагунгача ўтган вақт учун ҳисобланади ва ундирилади. Қарз қолдиқлари қанча кунга тўғри келса, ўша суммадан фоизлар ҳисобланади. Навбатдаги тўловлар вақтида фоизлар олдинги тўловдан кейинги вақтдаги қолдиқ суммасидан ҳисобланади.

Якка тартибда қарз олувчилардан тўловлар кредит шартномасида белгиланган муддатда келиб тушмаган ҳолларда кечиккан тўловлар суммаси муддати ўтган ссуда ҳисобварағига ўтказилади.

Якка тартибда қарз олувчи қарз юзасидан тегишли бадални тўлаганида фоизлар ушбу қарз олувчининг муддатли қарзи бўйича очилган ҳисобварақдаги қарзнинг тўлов муддати ўтган қарзлар ҳисобварағига ўтказилган кунгача бўлган қолдиғи асосида ҳисобланади.

Фоизларни ҳисоблаш учун фоиз ставкасининг миқдори йилдаги кунлар сони (360)га бўлинади. Ҳосил бўлган сон қарз қолдиғига ва фоизлар ҳисобланганидан даврдаги кунлар сонига кўпайтирилади.

Кейинги фоизлар муддати ўтган қарзлар пайдо бўлган кундан бошлаб ўтган вақт учун муддати тугаган ссудалар ҳисобварағидаги қарз қолдиғидан ҳисобланади.

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
МАРКАЗИЙ БАНКИ
N 66
1994 йил 15 апрель

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки тасдиқлаган
(1994 йил 15 апрелдаги
9-баёний қарор)
БАРЧА БАНКЛАРИГА

Хусусий мулкдорларнинг савдо ва хизмат объектлари қурилишига кредит бериш ҚОИДАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти "Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тadbirkorликни ривожлантириш чора-таdbirlари тўғрисида"ги 1994 йил 21 январда чиқарган Фармонга мувофиқ, банк муассасалари хусусий мулк эгаларига қарашли савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилишига кредит ажратади.

Кредит қурилишни амалга ошираётган жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда "қарз олувчи" деб аталади), уларнинг истиқомат қилаётган (рўйхатдан ўтган) жойлари бўйича, шартнома асосида, кўчмас мулкни гаровга олиб берилди.

Кредит шартномаси кредитнинг бутун суммаси учун қарздан фойдаланиладиган даврга тузилади ва банк раҳбари ҳамда қарз олувчи томонидан имзоланади.

Шартномада куйидагилар кўрсатилади: шартнома тузган томонлар, уларнинг мақоми, кредитдан кўзланган мақсад ва суммаси, уни бериш ва қайтариш шартлари, қарз олувчининг кредит қайтарилишини таъминлаш (мулкни гаровга қўйиш) юзасидан мажбурияти, кредит учун фоиз ставкасининг миқдори, асосий қарзни ва кредит бўйича фоизларни тўлаш тартиби, қарз олувчининг ва банкнинг кредитлаш жараёнидаги вазифалари, томонларнинг шартнома юзасидан мажбуриятлари бажарилмагани ёки қисман бажарилгани учун жазо чоралари.

Қурилишни бир гуруҳ шахслар амалга оширганда қарз ишонч билдирилган киши номига расмийлаштирилади. Қурилишнинг бошқа қатнашчилари ўша шахснинг номига нотариус тасдиқлайдиган ишончнома ёзиб, унда қарздан белгиланган мақсадда фойдаланиш, кредит таъминланганлиги ва қайтарилиши учун ўзларининг барча шахсий мулклари билан ўзаро тенг ва тўлиқ жавобгар эканликлари кўрсатилади.

Кредит олиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
- кредит бериш тўғрисида буюртманомаси;

- қурилиш учун ер майдони ажратилганини тасдиқловчи ҳужжат;

- давлат меъморчилик органларининг рухсати;
- қурилиш сметаси.

Кредит қуриладиган объектнинг смета қиймати доирасида, лекин гаровга қўйилган мулк қийматининг 80 фоизидан ошмайдиган миқдорда, 3 йил муддатга, кредит олинганидан кейин иккинчи йилдан қайтара бошлаш шarti билан берилди.

Кредит бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўлов ҳужжатлари бўйича қарз ҳисобварағидан маблағ ўтказиш (ҳақ тўлаш) орқали, шунингдек нақд пул билан берилди.

Мулк гаровга қўйилгани тўғрисидаги шартнома ва шу мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 50-сон Қарори билан тасдиқланган "Гаров тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича муваққат Низом"га мувофиқ адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Гаровга олувчи гаровга қўйилган мулкнинг амалда мавжудлигини, ҳажмини, аҳволи ва сақланиш шароитларини ҳужжатлар бўйича текшириш ҳуқуқига эга. Агар мулкнинг қиймати аввал гаровга қўйилганида тугамаган ёки қарздор фоизларни тўлаш ва қарзни узиш учун иқтисодий имкониятга эга бўлса, мулк такрорий равишда гаровга қўйилишига рухсат этилади.

Қарз муддатида тўланмаса, банк талаби гаровга қўйилган мулк ҳисобидан қондирилади.

Гаровга қўйилган мулк Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонунига кўра мажбурий тартибда сугурта қилиниши зарур. Бу ишни мулкни гаровга қўяётган томон бажаради.

Мулк шикастланган, nobud бўлган ҳолларда ёки қарз олувчи жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда сугурта ҳақи банкка тўланади.

Қарз олувчи ноўрин фойдаланган кредит бўйича қарзни банк муддатидан олдин, шартномада кўрсатилган юқори фойз ставкасини кўшиб ундириб олади. Бунда қарзнинг тўланмаган

қисми муддати ўтган қарзлар ҳисобварағига киритиб қўйилади ва қарздорнинг ҳисоб варағига маблағ тушишига қараб тўлаб борилади.

Бошқарув Раисининг муовини
Ў.НЕЪМАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
Рўйхатга олган
N158
1995 йил 14 июнь

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
N1112
1995 йил 23 февраль

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви
тасдиқлаган
1995 йил 23 февралдаги
4/5-баённома)

БАРЧА БАНКЛАРГА

Тижорат банкларининг тўловга лаёқатсиз хўжалик юритувчи субъектлар (банкротлар) билан ишлаш ҚОИДАЛАРИ

1. Умумий қисм

Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у банкларнинг тўловга лаёқатсиз хўжалик юритувчи субъектлар билан ишлашнинг аниқлаштириш мақсадини кўзлайди.

Хўжалик юритувчи субъект(фирма, бирлашма, корхона, ташкилот, хусусий тадбиркор)нинг банкротлиги деганда, унинг кредиторлар талабини қаноатлантиришга лаёқатсизлиги тушунилади. Бундай лаёқатсизликка қарздорнинг мажбуриятлари унинг мулки миқдоридан ошиб кетиши муносабати билан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлай олмаслиги ҳам киради.

Мулк шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудда хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва jisмоний шахслар, шу жумладан бошқа давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари банкрот, деб эълон қилиниши мумкин.

Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширувчи корхона (ташкилот) банкрот, деб тан олинниши мумкин эмас.

2. Қарз олувчининг тўловга лаёқатсизлиги хавфи вужудга келганда банкнинг у билан иш олиб бориши

Мижозда муддати ўтказиб юборилган қарз юзага келганда банк унга бу қарзни узиш ҳақида даъво талабномаси юбориши лозим.

Банк ўзида ҳисобварақ очган мижозни агар унинг банк ссудалари бўйича муддати ўтиб кетган қарзи бўлса ва банкнинг муддати ўтиб кетган қарздорликни бартараф этиш ҳақидаги ёзма талабномасини тақдим этилган кундан бошлаб 3 ой давомида бажаришни таъминлай олмаслиги аниқ бўлса, шунингдек қарз мажбуриятлари хўжалик юритиш субъекти, яъни қарз олувчининг мол-мулки қўйиматидан ошиб кетганда унинг банкротлиги тўғрисидаги масалани қўйиш ҳуқуқига эга.

Қарздор мижознинг бундан кейинги тўловга лаёқатлигини унинг банк мулкдор ёки унинг ваколатли вакили билан биргалликда қарз олувчининг иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш асосида қарзларни узишнинг қай даражада имкони борлигини аниқтайди.

Таҳлил тўловга лаёқатсиз қарздорнинг бухгалтерия баланси, ишлаб чиқариш дастури, қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари рўйхати ҳамда қарз олувчининг молиявий ва мулкий

аҳволи тўғрисидаги бошқа маълумотлар асосида амалга оширилади.

Тўловга лаёқатсиз мижознинг молиявий аҳволини таҳлил этиш давомида, банкрот, деб тан олингушга қадар, банк қарзни тўлаш муддатини чўзиш, муҳлат белгилаш ёки дисконглаш масаласини кўриб чиқиши мумкин. Банкдан олинган қарзни тўлаш муддати узайтирилиб ёки тўлаш учун муҳлат белгиланиши қарздорнинг кредитлар бўйича тўламаган қарзлари ҳажмида гаров расмийлаштирилиши билан биргалликда ёки тўланмаган қарзнинг келишиб олинган суммаси миқдоридан кафолат берилган тақдирда (агар илгари бундай кафолат расмийлаштирилмаган бўлса) кўриб чиқилиши мумкин.

Қарздор мижозда 2-картотека бўлганда ҳам у тўловларга дахлдор қарз муддатини узайтириш, қарзни тўлаш учун муҳлат белгилаш тўғрисида ёки фаолиятини давом эттириш учун қарзларнинг бир қисmini чегириб ташлаш ҳақида кредиторлар билан расман шартлашиб олганлиги тўғрисидаги маълумотни банкка тақдим этиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган маълумотлар қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланиши зарур:

- тўлов муддатини узайтириш ёки тўлов учун муҳлат белгилаш ҳақида хўжалик юритувчи субъектлар ўргасида тузилган баённий қарорлар;

- шартномаларга киритилган ўзгартиришлар;
- нотариус тасдиқлаган шартномалар;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Ҳужжатларда ҳар иккала томоннинг имзолари бўлиши ва муҳрлар билан тасдиқланиши шарт.

Қарздорнинг мулкида давлатнинг ишгироқи бўлган ҳолларда банк Давлат мулки қўмитасини, унинг мулкни бошқаришга ваколати бўлган ҳудудий органини қарз олувчининг молиявий қўйиш-қилишлари ва унинг банкротга учраш хавфи вужудга келгани ҳақида расман хабардор қилади. Агар тегишли идоралар хабардор қилингандан кейин 15 кун мобайнида мижознинг молиявий аҳволини яхшилаш чоралари кўрилмаса ва тегишли тартибда расмийлаштирилган кафолатлар тақдим этилмаса, иш хўжалик судига оширилиши лозим.

3. Хўжалик юритувчи субъектнинг тўловга лаёқатсизлиги (банкротлиги)ни эълон қилиш

Агар таҳлил давомида тўловга лаёқатсиз қарздорнинг қарз мажбуриятларини узиш ва унинг тўловга лаёқатини тиклаш

имконияти йўқлиги аниқланса, мулкдор (тадбиркор) банк билан биргалликда қарздор хўжалик юритувчи субъектнинг ихтиёрий равишда тугатилиши ҳамда унинг ўз банкротлиги ҳақида расман эълон берилиши тўғрисидаги қарор қабул қилади, шунингдек бу ҳақда кредиторларга, юқори идорага, корхона (тадбиркор) рўйхатдан ўтказилган маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органига, қарз олувчининг муассислари (қатнашчилари)га, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига маълум қилади.

Мазкур қарорни қарздор хўжалик юритувчи субъект мулкнинг эгаси тасдиқлайди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон расмий матбуотда чиқарилади.

Ихтиёрий равишда тугатиш Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида" ва "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъект, шунингдек ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг кредиторларидан бири, жумладан банк уни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарордан норози бўлса, хўжалик судида банкротлик ҳақидаги масала юзасидан иш қўзғатилади.

Хўжалик судида банкротлик ҳақидаги ишни қўзғаш учун қарздор, банк, кредиторлар, шунингдек прокурорнинг аризаси асос бўлади.

4. Санация

Агар хўжалик суди тўловга лаёқатсиз қарздорга молвиявий ёрдам кўрсатиш йўли билан санациялаш тўғрисида қарор чиқарса, кредиторлар олдидаги мажбуриятларни бажариш вазифаси санация қатнашчилари зиммасига юклатилади.

Санация қатнашчилари кредиторлар олдида қабул қилган мажбуриятларини тўла ҳажмда бажаришлари шарт ва уларни бажариш бўйича биргалликда жавоб берадилар. Лекин битимда бошқа нарса кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Санациялаш бошланганидан сўнг 12 ой ўтганида кредиторлар талаблари умумий суммасининг камида 40 фоизи қондирилиши лозим.

Санация давомийлиги 18 ойдан ошмаслиги лозим.

Бу муддат санация қатнашчиларининг илтимосига кўра, кўпи билан 6 ойга узайтирилиши мумкин, давлат корхоналарини санациялаш ҳоллари бундан мустасно.

Санациялаш жараёнида кредитор-банк санациялаш самарасиз ўтказилаётгани ёки санациялаш қатнашчилар қарздор мулкдорнинг ёки кредиторларнинг ёхуд қарздор хўжалик юритувчи субъект меҳнат жамоаси аъзоларининг манфаатларига зарар етказувчи ҳаракатлари тўғрисида ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин.

Санация қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

- санациялаш учун белгиланган муддат тугаганда;
- Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунда белгиланган талаблар бажарилмаганда;
- санациялашнинг самарасизлиги аниқланганда.

Санациялаш тўхтатилган ҳолларда хўжалик суди қарздорни банкрот деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилади.

5. Тугатиш жараёни

Тўловга лаёқатсиз қарздорни банкрот, деб тан олиш ҳамда тугатиш жараёнини бошлаш ҳақидаги қарор расмий матбуотда белгиланган тартибда эълон қилинади, чоп этиш ҳақиқи қарздор тўлайди.

Тўловга лаёқатсиз миқоз банкрот, деб эълон қилиниши биланоқ банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни, шунингдек дивидендлар, солиқ ва тўловлар тўлашни тўхтатади. Қарздор ўз мулкни сотиши, бошқа биров ихтиёрига ўтказиши ва қарздорини тўлаши ман этилади.

Тўловга лаёқатсиз қарздорнинг барча қарз мажбуриятлари

муддати тугаган ҳисобланади ва унга нисбатан янги талаблар қўйилмайди.

Тўловга лаёқатсиз қарздорнинг барча турдаги қарзлари бўйича пеня ва фоизлар қўйиш тўхтатилади. Тўловга лаёқатсиз қарздорнинг мол-мулкни сотиб, қарзни ундириб олиш йўлидаги барча чекланлар олиб ташланади. Хўжалик судида тўловга лаёқатсиз қарздор иштирокида қўриб чиқилаётган мол-мулкка доир баҳслар, агар улар юзасидан қабул қилинган қарорлар қонуний кучга кирмаган бўлса, тўхтатилади.

Қарздор миқоз банкрот деб эълон қилинган пайтдан бошлаб мол-мулк ва молвиявий тусдаги барча талаблар унга фақат тугатиш жараёни доирасида қўйилиши мумкин.

Қуйидагилар тугатиш жараёни қатнашчилари ҳисобланадилар:

- ишонч билдирилган шахс;
- кредиторлар кенгаши;
- тўловга лаёқатсиз қарздор;
- бошқа манфаатдор томонлар, жумладан банклар.

Ишонч билдирилган вакил мулкдор ёки мазкур мулкни бошқаришга ваколат олган орган ташкил этган тугатиш комиссиясига раҳбарлик қилади.

Тугатиш жараёни кредиторларнинг талабларини мутаносиб қондириш ва тўловга лаёқатсиз қарздорни мажбуриятлардан озод деб эълон қилиш ҳамда томонларни бир-бирига нисбатан ноқонуний ҳаракатлар қилишдан сақлаш мақсадида амалга оширилади.

Тугатиш жараёни қатнашчилари ўртасида юзага келадиган баҳслар хўжалик судида қўриб чиқилади.

Тугатиш комиссияси банкрот бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг тугатиш режасини тайёрлаши керак.

Иш қўзғаш ташаббускори хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи бўлган ҳолларда у тугатиш тўғрисидаги ўз режасини тақдим этишга ҳақлидир.

Тугатиш режаси тўловга лаёқатсиз қарздорга кредит берган банк ҳамда бошқа кредиторлар билан келишилмиши керак ва талаблар суммасининг камида учдан икки қисми эгаси бўлган кредиторлар томонидан маъқуллансагина қабул қилинган ҳисобланади. Агар тугатиш режаси маъқулланмаса ва кредиторлар тўловга лаёқатсиз қарздорни тугатишга доир ўз режаларини белгиланган муддатда топширмасалар, илгари тақдиф қилинган режа тасдиқланади.

Тасдиқланган тугатиш режаси асосида Ўзбекистон Республикаси қонунларида мулк сотилади ва қарздорга бўлган даъволар қондирилади.

Банк тўлаётган маблағларнинг ҳаммасини тугатиш жараёни давомида очиладиган махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Банк тўловларни банкрот-миқознинг тугатиш режаси асосида унинг мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар келишига қараб амалга оширади. Узил-кесил тўлов тугатиш режасига мувофиқ мол-мулк сотиб бўлиганидан кейин амалга оширилади.

Тугатиш жараёни, ишонч билдирилган вакил вазифасини бажариши ва хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини давом эттириши билан боғлиқ ҳаракатлар биринчи навбатда қопланади.

Алимент, пенсия ҳамда нафақаларни ундиришга доир талаблар, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқи муносабатларидан келиб чиқадиган талаблари, экспертлар, аудиторлар, адвокатлар ва бошқа шахсларнинг кўрсатилган хизматга ҳақ тўлаш юзасидан талаблари, майиб бўлиш ёки бошқа тарзда солиққа зиён етиши туфайли етказилган зарарни қоплаш, шунингдек боқувчисини йўқотганлик билан боғлиқ талаблар биринчи навбатда қондирилади.

Шу талаблар тўла қондирилганидан сўнг иккинчи сугурга

бўйича талаблар ҳамда фуқароларнинг мол-мулкларига жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги талаблари қондирилади.

Иккинчи навбатда давлат солиқлари ва маҳаллий солиқларга оид талаблар, солиққа даҳи бўлмаган бюджет тўловларига доир талаблар ҳамда давлат суғурта идораларининг мажбурий суғуртага, шунингдек банкларнинг кредитларига оид талаблари қондирилади.

Учинчи навбатда кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари қондирилади.

Тўртинчи навбатда кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари қондирилади.

Бешинчи навбатда акцияларга эга бўлган меҳнат жамоаси аъзоларининг ва қарздор ҳўжалик юритиш субъектини бошқаришда қатнашмаётган инвесторларнинг талаблари қондирилади.

Олтинчи навбатда қолган барча талаблар қондирилади.

Навбатдаги ҳар бир талаб бундан илгариги талаблар бажарилганидан сўнг қондирилади.

Ундирилаётган сумма, биринчи ва иккинчи навбатдаги талаблардан ташқари, битта навбатдаги барча талабларни тўла қондириш учун етмай қолганда, бу талаблар ҳар бир ундирувчига тегишли суммага мутаносиб равишда қондирилади.

Ундирилаётган сумма биринчи ва иккинчи навбатдаги талабларни қондириш учун етмай қолганда, қарз ҳўжалик юритиш субъекти муассисларидан уларнинг ҳўжалик юритиш субъектларига сарфланган маблағларига мутаносиб бўлган улушларда ундириб олинади.

Охириги тўлов амалга оширилгани ҳақида расмий матбуотда махсус хабар эълон қилинади.

Кредиторлар талаблари қондирилиб, ишни юритиш харажатлари тўланганидан сўнг қолган мол-мулк қийматини тугатилаётган ҳўжалик юритиш субъекти мол-мулкнинг эгаси олади.

Тугатиш жараёнида сотилмаган мол-мулкдан қарздор-мулк эгасининг кўрсатмасига биноан фойдаланилади.

Мол-мулк етмагани туфайли қондирилмаган қарз мажбуриятлари тўланган ҳисобланади.

Банк банкрот бўлган миқознинг ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1993 йил 23 майдаги I-сонли йўриқномасида кўзда тутилган тартибда ётади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкидан унда тўловга лаёқатсиз қарз олувчи борлиги ҳақида хабар олгач, кредитор-банк учун юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни чуқур таҳлил қилиши ва унинг фаолиятига хавф туғилган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирлар кўриши лозим.

Бошқарув Раисининг муовини
М.Б.НУРМУРОДОВ

ҲИСОБ-КИТОБ ХИЗМАТИ КўРСАТИШ ҲАҚИДА ШАРТНОМА

Илова
Намунавий шакл

шаҳри _____

199 ____ йил “ ____ ” _____

(банк муассасасининг номи)

(кейинги ўринларда “банк” деб юритилади) Банк филиали ҳақидаги Низом асосида иш юритувчи раҳбар _____

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

орқали бир томондан ва _____

(корхона, ташкилот, кооперативнинг тўлиқ номи ва кимга бўйсунishi)

(кейинги ўринларда “миқоз” деб юритилади) раҳбар _____

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Банк миқозга ҳисоб-китоб хизматлари ва у билан боғлиқ бошқа хизматларни кўрсатади.

2. Томонларнинг ҳуқуқлари

2.1. Миқоз банкнинг айби билан операциялар ўз вақтида бажарилмаслиги оқибатида кўрилган зарарни банкдан ундириб олиш ҳуқуқига эга.

2.2. Миқоз ҳисоб-китоб операцияларига доир амалдаги қондаларни бузган ҳолларда банк бундай операцияларни ўтказмасликка, шунингдек кўрсатилган хизматлар ҳақи банкка доимий тўланмаган (ёки муддатида тўланмаган) ҳолларда бу операцияларни тўхатиб қўйишга ҳақи.

3. Томонларнинг мажбуриятлари

3.1. Банк қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади: ҳисоб-китоблар қилиш ва миқознинг барча ҳисобварақларини юритиш; операция ўтказилган куни маблағлар миқознинг ҳисобварағига киритилишини таъминлаш; унга ҳисобварақлардан кўчирмаларни ўз вақтида бериб туриш; миқознинг ҳисобварағига тушмай қолган суммаларни топишда ёрдам бериш, миқознинг илтимосига кўра сўровнома ҳамда хатлар тайёрлаш ва жўнатиш; ҳисоб-китобларни амалга ошириш масалаларига доир меъерий ҳужжатлар билан миқозни ўз вақтида таништириб бориш, зарурат туғилганда эса уни шу ҳужжатлардан кўчирмалар билан таъминлаш; қўшимча ҳақ эвазига миқозни зарур ҳисоб-китоб ҳужжатлари бланклари билан, шу жумладан чек дафтарчалари

6. Шартноманинг амал қилиш муддати ва томонларнинг юридик манзиллари

6.1. Шартнома 199__ йил _____ дан кучга киради ва 199__ йил _____ гача амал қилади.

6.2. Шартнома томонларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шартнома тузган томонларнинг бири шартномадаги мажбуриятларни бажармаса, иккинчи томон уни _____ олдиндан огоҳлантириб қўйиб, бир томонлама тартибда шартномани бекор қилишга ҳақли.

6.4. Томонларнинг юридик манзиллари:

Банк-Факторинг _____ (почта манзили, ФО, телетайп, телефакс, телекс рақами)

Корхона _____ (почта манзили, ҳисоб-китоб варағи, телетайп, телефакс, телекс рақами)

БАНК-ФАКТОРИНГ

КОРХОНА

(имзо, фамилия)

(имзо, фамилия)

М.У.

М.У.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН КРЕДИТ БЕРИШ ҲАҚИДА ШАРТНОМА

_____ шаҳри 199__ йил "____" _____

(банк муассасасининг номи)

(кейинги ўринларда "банк" деб юритилади) раҳбар _____ (фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

орқали, бир томондан, ва _____ (ҳўжалик органининг тўлиқ номи ва кейинги ўринларда кимга бўйсунishi)

"Қарз олувчи" деб юритилади) раҳбар _____ (фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

орқали, иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Банк Қарз олувчига ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш учун _____ сўм миқдорида шартномада белгиланган ҳақ эвазига кредит беради.

2. Томонларнинг ҳуқуқлари

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1 Зарурат бўлганда, берилган кредит товар-моддий бойликлар ва ишлаб чиқариш харажатлари билан таъминланишини талаб қилиш.

2.2. Юқори даражали хатар билан кредит берилган ҳолларда Қарз олувчидан кредитлар қайтарилмаслиги учун жавобгарликни ихтиёрий суғурта қилишни талаб этиш (Молия вазирлигининг кўрсатмалари).

2.3. Ишлаб чиқариш дастурини бажариш давомида қўшимча кредитларга зарурат туғилганда алоҳида шартномалар бўйича яна кредит бериш тўғрисида Қарз олувчи тақдим этган илтимосномаларни кўриб чиқиш.

2.4. Кредит бўйича муддатли, таъминланмаган ва муддати тугаган қарзларни мустақил равишда ундириб олиш, шунингдек бу кредитлардан фойдаланганлик учун фоизларни ҳар ойда (ойнинг _____-кунидан кейин) ундириб олиш.

2.5. Кредитланаётган бойликлар ва харажатлар қолвиқлари тўғрисида банкка берилаётган маълумотлар тўғрилигини, шунингдек қарз олувчининг тўлов қобилиятини текшириш.

Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.6. Кредитни муддатидан олди қайтариш.

2.7. Ишлаб чиқариш дастурини бажариш давомида зарурат туғилса, Қўшимча кредит ажратиш тўғрисида илтимоснома тақдим этиш.

3. Томонларнинг мажбуриятлари

Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

3.1. Товар-моддий бойликларни ва ишлаб чиқариш харажатларини _____ гача бўлган муддатта; жўнатилган, лекин тўлов муддати ҳали тугамаган товарларни _____ гача бўлган муддатта; йўлдаги товар-моддий бойликларни _____ гача бўлган муддатта; расмийлаштирилмасдан жўнатилган товарларни _____ гача бўлган муддатта; кредита олинган товарларни _____ гача бўлган муддатта ва бошқа харажатларни _____ гача бўлган муддатта кредитлаш учун қабул қилиш.

3.2. Қарз олувчини кредит бериш масалалари юзасидан маслаҳат хизматлари билан таъминлаш.

Қарз олувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

3.3. Олинган қарзлар ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш.

3.4. Кредит бериш ва унинг қандай таъминланганини текшириш учун зарур режа ва ҳисобот маълумотларини _____ мобайнида банкка (унинг талабига кўра) тақдим этиш.

3.5. Берилган муддатли кредитлардан фойдаланганлик учун ҳар ойда банкка _____ гача бўлган муддатта берилган кредитлар бўйича йилга _____ фоиз, _____ гача бўлган муддатта берилган кредитлар бўйича йилга _____ фоиз, _____ гача бўлган

муддатта берилган кредитлар бўйича эса йилига _____ фоиз миқдорида ҳақ тўлаш.

4. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Қарзни қайтариш муддатларига амал қилинмаган тақдирда Қарз оловчи банкка оширилган ставка бўйича йилига _____ фоиз миқдорида ҳақ тўлайди.

4.2. Қарз оловчи ушбу шартномала кўзда тутилган кредит суммасини тўлиқ ололмаган тақдирда банк унга олпинмай қолган сумманинг _____ фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.3. Шартнома шартлари бузилса, Қарз оловчи тўловга лаёқатсиз деб эълон қилинса, банк кредит беришни тўхтатади ва илгари берилган қарзларни гаров ҳуқуқидан фойдаланиб муддатидан олдин ундириб олади.

4.4. _____

5. Алоҳида шартлар

5.1. Кредитлаш тартибини ва кредит ресурслари олиш шартларини ўрганаётганда Қарз оловчи ва Банк ушбу шартномага ўзгаришлар киритадилар.

5.2. _____

(ушбу Қарз оловчи учун алоҳида шартлар)

6. Шартноманинг амал қилиш муддати ва томонларнинг юридик манзиллари

6.1. Шартнома 199__ йил “__” _____ дан 199__ йил “__” _____ гача амал қилади.

6.2. Шартнома томонларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

6.3. Қарз оловчи банкни _____ олдин огоҳлантириб, кредит бўйича қарзни ва ундан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаб, шартномани муддатидан олдин бекор қилиши мумкин.

6.4. Шартнома билан боғлиқ баҳслар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

6.5. Томонларнинг юридик манзиллари:

Банк _____
(почта манзили, ФО, телетайп, телефакс, телекс)

БАНК

(имзо, фамилия)

М.У.

ҚАРЗ ОЛУВЧИ

(имзо, фамилия)

М.У.